


ГУЛИСТАН ДАУЛЕТОВА

ОНА ЕР - ОНАМ



Гулистан ДАУЛЕТОВА

ОНА ЕР – ОНАМ



НУКУС
«AVANGARD-BASPA»
2024



КБК 84(5Ў.Кор)-5 Г.Даулетова. Она ер – Онам. [Текст]:
Д 26 Шъерлар – «AVANGARD-BASPA»
УЎК 821.512.121-1 нашриёти, Нукус: 2024-йил. – 108 бет.

Қорақалпоқ халқининг севимли шоираси, «Қорақалпоғистон Республикасига меҳнати синган маданият ходими» Гулистан Даулетованинг ушбу «Она ер – онам» номли шъерлар тўпламида берилган ҳар хил мавзуларда ёзилган шъерлари ҳар қандай инсоннинг кунгил саройини йошландириб, муқаддас туйғуларни ўз тушунчаси, фикр дунёсига хос тарзда, бошқаларга ухшамай тасвирлайди.

Шоиранинг шъерлари деярли барча тилларга таржима қилинган.

Шоира Гулистан Даулетованинг қаламига мансуб ушбу китобни узбек тилига таржима қилган Қорақалпоғистон халқ шоири Музаффар Аҳмад.

Мухаррир *У. Юсунова*
Бадий. муҳаррир *И. Сержанов*
Тех. муҳаррир *Н. Қайипбергенова*
Саҳифалаган *А. Атагулаева*

Оригинал-макеттан босишга руҳсат этилган вақти: 3.01.2024.

Қағоз бичими 84x108¹/₃₂. Кегль 12.

Гарнитураси: «Times New Roman».

Оффсет усулида нашр этилди. Ҳажми 3,375 нусха.

Адади 200. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма №.5/24

951432-сонли лицензия: 22. 02. 2021.

«AVANGARD-BASPA» нашриёти, 230100,

Нукус шаҳри, И. Каримов, 111-уй.

ISBN 978-9910-9264-0-2

© Г. ДАУЛЕТОВА. 2024.
© «AVANGARD-BASPA», 2024.



Музаффар Аҳмад
таржимаси

ВАТАНИМ

Фарзандингман мен руҳингдан яралган,
Аму суви томир буйлаб таралган,
Танимга жон кирган ҳар соз, навонгдан,
Сен билан қоришган ҳақ кон Ватан!

Илм бердинг элу юртга тотимли,
Олимларинг уйқусиз тонг отирди,
Шажарангдан билдим яқин-ётингни,
Таърифинг, тарихинг – дoston, Ватаним!

Зувалангман хамирингдан узилган,
Доим қараб тургандайсан изимдан,
Йўлимни кузатиб кўзи сузилган,
Оқ рўмолли онамдайсан, Ватаним!

«Буюк ипак йўли сендан ўтган, рост,
Тузинг босим, тупроқларинг муқаддас,
Ҳар бир қизинг бахти бахтингга пайваст,
Ҳар уғлинг – Алпомиш полвон, Ватаним!

Фарзандларга руҳ келарди қайлардан,
Хайр борми ҳеч осмондаги ойлардан,
Боболарим кучоғингдан жой олган,
Тўпроғи зар – сен кадрдон, Ватаним!

ОНАЖОН

Уйим деб, фарзанд деб жонларинг халак,
Кушдай канот қоқиб, силкинсанг этак,
Сал адашсам – сездн кўнглинг эртарок,
Дардли кушдай чирилладинг, онажон!

Кайин юртга юрганимда кўникмай,
Чир-пир бўлиб канотладинг какликдай,
Юзим яйраб, эл сўзларга берилмай,
Юришимни тилар эдинг, онажон!

Ясантириб кўйдинг мисоли ўкдай,
Йўлимда югурдинг бошка иш йукдай,
Аттанг... бу дунёдан ўзингни топмай,
Колишимни ўйламабман, онажон!

Сулув кийим кўрсам – сенга сўз қотдим,
Фарқига бормасдан арзон-қимматнинг,
Мен ҳам она бўлиб, сўнг барин тотдим,
Умр дегани – доно экан, онажон!

Гоҳо кизиқ экан умр бозори,
Гохида алдайди – бўлар озори,
Бўлар инсоннинг ҳам озиб-тўзари,
Буни энди англаяпман, онажон!

Айтганларим бари ростдир, албатта,
Сендан олган ибратларим кўп, катта,
Юрагимнинг энг тўрида, бир четда,
Тизза букиб ўтирасан, онажон!

Ёлғиз буғдой – ерга, кўкка қиймаган,

Бир парчангман, тўрингизга сиғмаган,
Соғинганда сочларимдан сийпаган,
Сенинг юмшок кўлинг эди, онажон!

Бари кетди ўрни билан жойлашиб,
Неваралар бари гуё мойкошиқ,
Қовунўрток уйин куриб, айкашиб,
Дийдорингни соғинганман, онажон!

Юзим ёрқин, кизингнинг кўп кўргани,
Неваралар – тилагимнинг бергани,
Юрагингдан олган меҳрни-шуълани,
Авлодларга улашаман, онажон!



СОҒИНИШ

Янги йилда бўлолмадим ёнингда,
Кўйиб-пишиб турмуш имтихонингда,
Онажоним, ўзингдадир ҳаёлим,
Солма мени ўпка чуғ-оловингда.

Дийдор – ширин, етиб бўлмас тагига,
Соғинтирар сарсон этиб сени да,
Ота-онам ўзатди-ку қўлидан,
Йўлин топса, текин бер деб тенгига.

Кўлда учар чағалайлар тўдаси,
Ту-у, олис-ов Нукус-Муйноқ ораси,
Йўлга чиқиб қарайверманг совукда,
Кўринмаса нукусликнинг кораси.

Изингда қуралай юрган кийикман,
Кимга бийик, кимга эса куюкман,
Уч ўн саккиз ёшдаман, онажон,
«Беш қуноқ»* келганин энди билибман.

Соғинасиз – йўқман, таънанг ўринли,
Онажоним, терс киймагин тўнингни,
Неварангни оёғига турғизай,
Шу иш бўлар кекса дилга қўнимли.

Тез орада, қани, борсам қошинга,
Кўл югуртсам қиров чалган сочинга,
Кўриб келсак отам минган кемани,
Қантарилган Оролқумнинг бошига:

Кечир, баъзан кўнгил олмаганимни.
Айтган сўзга қулоқ солмаганимни,
Бир нафас бошимни тиззанга қўйиб,
Унутаё ташвишу қолма-қолимни.

Йўл бўйида хилпирайди рўмолинг.
Соғинтирар набиралар жамоли,
Яхши ўтир, кун йилт этса бораман,
Менга шараф тирик мехринг, дийдоринг.

Янги йилда бўлолмадим ёнингда,
Кўйиб-пишиб турмуш имтихонингда...



«Беш қуноқ»-қуз бошларида бўладиган совук кунларнинг халқ ичида айтилиши.

ОЛИСДАГИ ЯҚИНИМ

Хат бордим, ғамдан бўлдингми холи?
Етишдим Тербенместнинг шамоли?
Кайфиятинг кўтарилса, онажон,
Очилишар келажагим жамоли.

Мен бир олис элнинг эрка мароли,
Кўзларингдан жонимга нур таралди,
Онажоним, сенсан Макка-Мадинам,
Сенсиз куриб қолар кўнгил Ороли.

Она гозим, йўлларингдан юрибман,
Эл деганда икки енги турикман,
Қуралайлар тарқалдилар тўкайга,
Шокол, тулки чиқса – жоним хуриккан.

Сўзлар, сўзлар... нордай чўкаётганлар,
Бир тиллашсам, танглайимда татирлар,
Тугунини очсам-оқиб кетарлар,
Оқиб кетар кечинма, хис ва сирлар.

Сўзларимга ишон, йўқдир ёлғоним,
Сен туфайли дадил ва тик юрганам,
Ҳийла нима, ғийбат нима – ишим йўқ,
Сенинг кайфиятинг – менинг армоним.

Хаётимда сенинг ўрнинг бир бўлак,
Сенсиз – Оролқумдир ғирра-теварак,
Олисдаги яқиним – жон Онажон,
Сен туфайли бахтим бутун, ширинрок.

ҚОРАМИҚ КЎЗЛИМ

Тушганда назаринг, типирлаб ўзим,
Ёвлади жонимни қорамик кўзинг,
Соғинчинг елкадан итарган кезим,
Қуш-канотлаб сенга учгим келади.

Мазмун ё маъни йўқ сенсиз нафасда,
Ўйладим, бу сўзим бекор хавасма?
Ишқ азоби мени солди қафасга,
Кўнгил садафларин ечгим келади.

Нигоҳ солсам, отдинг салқин кўз билан,
Ҳижрон азобига жоним тўзмагин,
Қиё боққанларинг бир гўзал олам,
Сенинг ишқинг билан ёнгим келади.

Ок қув сулув – сузиб юрса қўл бетин,
Кўрсам, шуъла сочар Лайли чехрасин,
Рухсат этсанг бўлай мунис улфатинг,
Сенинг кўнглинг кунда олгим келади.



ҒУЛҒУЛА СОЛМАГИН ЖОНИМА МЕНИНГ

Пойлаганда юлдуз сузган кўл бетин,
Кўз олдимга келар сулув руҳсоринг,
Шунда шуъла сочиб нурли суратинг,
Жон энар ташвишли жонима менинг.

Товус каби гўзалликнинг подшоси,
Жаннат гули – кадди бўйнинг раъноси,
Татимас кўзимга сендан бошқаси,
Сенсиз салқи кўнгил торларим менинг.

Дунёда борлигинг – менинг омадим,
Сарвитол сумбатли кадди-қоматлим,
Магар босиб юрсам она-ер бетин,
Сенсиз ўтмас гўзал тонгларим менинг.

Кўп куттирма пешонамга яралсанг,
Кўнглим боғларингда эрка маролсан,
Пок туйғудай жон дунёма таралсанг,
Нур-шуъла сочилар жонима менинг.



ТУНҒИЧ ФАРЗАНД

Идиралди ниҳол, умид дарахтим,
«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз...» – ўронинг,
Олддаги арава сўқмоқ солармиш,
Юрт байроғин юксакларга кададинг.

«Физик ўғлинг докторлигин қўрғади,
Деб эшитиб, юрак бағрим тўлғади,
Ғайри юртда хой-хуйлаган бир жон йўқ,
Ўзинг чопдинг, бир яратган қўллади»...

Икки ўғлинг – белда маҳкам камаринг,
Эл олдида ёруғ бўлди ёнаринг,
«Тўқсон отдан ўзиб келган...» Чиборсан,
Бир тоштирдинг сен кўнглимнинг анхорин.

Тилагим шу: тинмас жонинг соғ бўлгай,
Тукқан юртинг сенга суянч тоғ бўлгай,
Тўнғичинг Арслонинг, Олмос – Комронлар,
Ўрнак олиб, ўзингдай мўл боғ бўлгай.

Ойсулужон гупчаклади кўчингни,
Ақл-билиминг кўрсатди бор кучингни,
Сен туфайли юзим ёрқин, қувватим,
Дуоларим сақлаб юрсин ўзингни.

Эр азамат – эл кўрмоғи керакдир,
Йулинг илм дунёсидан даракдир,
Атоқли фарзандин унутмагай эл,
Она Ватан – соядир бойтеракдир!

Муалифинг тўнғич ўғли Алишер Санатуллаев Мустакиллимизнинг дастлабки йилларида чет элдаги Фан олимпиадасида биратула 3 та олтин медални қўлга киритган, бу ҳақда матбуотимизда ҳам ёзилган эди. Шундан сўнг Алишер юртбошимиз томонидан мукофотланди. Илм тадқиқоти билан машғул бўлди, Фан доктори деган юксак унвонга сазовор бўлди. Хозир философия фанлари доктори.

Идиролди-дастлабки, тўнғич, энг аввал деган маъноларда.

Ёнар-қуз (қад туркийда)

АЁЛЛАР

Субе коворғадан яралган мардим,
Кийиштирган қийин турмушнинг шартин.
Бахту давлат, кувонч, қайғу ва дардин.
Қопга солиб, орқалаган аёллар.

Душман жигарбандин калла қилганда.
«Олтин Ош» га таклиф қилиб турганда,
Хумор она юзин сира бурганма?!
«Розиман!» – деб бошин эгган аёллар.

Ўғли қайта келмаслигин укқанда,
Ёвни уммақозон қилиб йиққанда,
Қирнинг бошин қонли мешга тикқанда,
Тумарисга қувват берган аёллар.

Ёлгиз ўғли мардикорга чатилиб,
Хак, адолат кетганида сотилиб,
Жони йулбарис шиддатида отилиб,
Приставни кум қоптирган аёллар.

«Оқчулпон!» , «Арувхон!» ўрон бўлганда,
Оғалар суянар тоғи турганда,
Авлод келажакка қадам урганда,
Орзулар мунчоғин сўтманг, аёллар.

Султон бобонг сизни қўрғаб яшаган,
Бу руҳларга тошлар отманг тўсатдан,
Чирқилламасинлар, беғам яшаманг,
Бибифотма урпоқлари – аёллар.

Байрок билан тик номусинг-орингни,
Қудратлисан, кўрсат қани борингни,
Дема: Ким тинглайди мунг ва зоримни,
Дунё сизга кулок тутар, аёллар.



Субе-пастги ярим коворға. Ривоятга кўра, Хаво энамиз мана шу коворғадан яралган эмиш. 1916 йилдаги «Мардикор олиш» воқеалари кўзда тутилмоқда.

Урон – пароль суз, шиор. Бирон бир қабила ўз аскарларини жангга чорлаётганда, урон сўз сифатида баъзан хотин –қизларнинг номи ҳам ишлатилган.

УМР ГУЗАРИДА

Кечаги кизолоқ – бугун кайвони,
Елкамдадир эллик ёшнинг чакмани,
Тикансиз сўкмокда юзим яшнади,
Яхшидан шарофат теккан замони.

Беўрин кимсага озор бермадим,
Яхшиларнинг ёмонлигин кўрмадим,
Тили бошқа, кўнгли бошқа жонларнинг
Ҳатто, соясига яқин келмадим.

Аммо, афсус... хом сут эмган бандасан.
Қалб дунёси – бошқа олам, англасанг,
Жабр тортиб, жонинг ўксиб қолади,
Ёмон билан дуч келсанг бир жойда сан.

Дўст кўринар, бирга ўйнаб-қуларсан,
Халол жонинг билан бахтинг уларсан,
Сичкон инин билмай босиб кўйганинг,
Уй-хаёлинг ўйилганда биларсан.

Йўлга солиб, мўлжал олиб кўрарсан,
Гоҳо ўз феълингдан ўзинг қуларсан,
Асли пастлар пастлигига тортади,
Захар тутса, қалай меҳр берарсан?!

Ҳақ кўнглим кўпинча панд еб келади,
Фаришталар шунда қўллов беради,
Сочларимни кумуш қиров чалса-да,
Кўнглим ҳамон тулпор бўлиб елади.

Орқамдан нокаслар тошлар отганда,
Нолиш тортиб кўнглим ғамга ботганда,
Толдай қайншаман япроғим тўкиб,
Бўй тиклайман тўнг эриб, сув оққанда.

Ҳар кимнинг ўзича ўлчови, тоши,
Худо берган ризқ-насиба, нафаси,
Умр деган –товон йўлга талашган,
Тулпор билан ёбиларнинг пойгаси.

Биров қулар, биров айтар ҳормасин,
Биров чопар, биров сураб йўрғасин,
Куймаланиб, тўлдиролмай келамиз,
Туби тешик бу тириклик тўрвасин.

Оқ-қорани кўрдим, бари борчилик,
Кенг дунё нокасга қилар торчилик,
Билмай бориб қолсам жар ёқасига,
Жони яхшилардан кўрдим яхшилик.

Умр – нақш, улги олган қуроқдан,
Дўст-ёр топишади яқин-йироқдан,
Халол жонлар – йўллардаги шамчирок,
Қоронғида шуъла сочар узокдан.



ДЎСТИМ КЕЛГАНИДА

Дўстим, айтишайлик, ўтган-кетгани,
 Ёшлик – олов экан, кизил чакмонли,
 Йўловчимиз умр-қарвон йўлида,
 Ўзинг оркалайсан ўзинг экани.

Толейим ул-ўзим бичиб-тикканим,
 Осон эмас тезда келиб – кетганим,
 Тушовлайди турмуш деган ташвишлар,
 Дув силкиниб энди келиб кетганим.

Боксам сарви толлар нарвон бўлибди,
 Этаги ёйилиб элим тўлибди,
 Чивик от чопишган қатор болалар,
 Кўрдим, сочларига қуров кўнибди.


Ўқиб чиқар эдик китоб қуймасдан,
 Ақл билан сезим бирга бўйлашган,
 Кун ботгунча Ободсувда чўмилиб,
 Кун ўтарди қирда ўйин ўйнашган.

«Ёғма, ёмғир, ёғма!..» – бу тилак эди,
 «Тўнғичингман!» деганларга нор чукди,
 «Оқ капалак, кўп капалак» бирлашиб,
 Қулоқлардан талай марга сув тўкди.

Сулувлар хўлласа ховузда сочин,
 Ким у паналаган жийда оғочин?!
 Ободсувда оқиб, чўмиб келибди,
 Ё қолиб кетибди ийноғочим...

Гуллаб ётар Қизилқумнинг даласи,
 Кўзни тортар шундан қумлар ораси,
 Шунда илк бор илҳом келиб шеър ёздим,
 Силкинганда қумлар гулу лоласи.

Силжиб йиллар ёш кўшибди ёшимга,
 Қумуш иплар эшилибди сочимга,
 Қоқ сувин соғинган эрка моролдай,
 Чорлаб ўтай Қизилқумнинг бошига...



Болалик ўйинлари ва унда айтиладиган сўзлар.
 Ийноғоч – обқаш, сув ташишда ишлатиладиган мослама.

САЛҚИН ТАЪСИР ҚИЛДИМИКАН?

Хаёл қилдим:

Бир ажойиб ўй ўтди,
Фаришталар ўйин қуриб, тўй этди!
Шунга зўр шоирни таклиф қилмоққа
Шогирдлик чин ихлос хаёлим кетди.

«Гўзалликда Гулистондай санам йўк,
Таърифини хатга солар калам йўк,
Маънавият саройига кепти у,
Боғриб турай мен ҳам бошқа чорам йўк.

Сизлар билан хафта бўламан энди,
Десинлар: халқим деб шоири келди»-
Ва чунтак ширин новвот олган пайт,
Шогирдлар чехраси нур порлаб кетди.

Қолдиқ шунда ширин сўздан маст бўлиб,
Кувончлардан кўзларимиз ёш бўлиб,
Куп кун ўтмай кулагандай минордан,
Кўкрагимиз тушиб қолди паст бўлиб.

Азалдан биз қизларда йўк айёрлик,
Қизиб кетди уст-устига тайёрлик,
Келар йўлларга гуллар тўшалди,
Келтирилди дастурхонга егулик.

Бир пайт устоз телефонга чақирди,
– Ҳафа бўлма, – деб, берди у ақлни,
Кеча тунда сал шамоллаб қолдимми,
Кетмаяпти томоғимдан ҳиқилди...

«Салқин таъсир қилдимикан Аёзга?..»
Шу хаёлдан чўчиб турдим бирозга,
«Устоз келмаса-я...» -типирчиладим,
Лаққа чикиб қолган каби саёзга.

Сахнамизда тўй бошланди гуриллаб,
Қарсак узра юксак чалинарди зап,
Кечикса ҳам шоир келиб колар деб,
Шогирдлар юрарди бўлиб жонҳалак.

Маънавият – бойлик, олтин хазина,
Қарамайди илҳом кишу ёзинга,
«–Келаман дебди-ку, келарми? Қачон?
Тушунмадик, оға, шоир нозина...».

– Келди! –деган овоз чикди шод, бўлиб.
Ҳамма йўлга югуришди шўх кулиб,
...Шоир келар эди кўча бошида,
Қўлида шеър, кучоғига гул тўлиб...



Аёз – устоз Ибройим Юсуповнинг адабий таҳаллуси.

ОТАЖОНИМ

Сездирмай кўчада умр карвони,
Боши – қизик, қандок кечар давом?
Омад келиб, ғунча очган чаманзор...
Булаётир авлодларинг байрами.

Кўчингизни дадил тортиб келамиз,
Тиним билмай югурамиз, еламиз,
Гузор йўлдан чикса шоқол, ит, бўри,
Ёш боладай хайнкамиз хали биз.

Эркалардинг юзимиздан бир қоқмай.
Қайсаргина бўлиб ўсдим мен, хай-хай,
Ҳозирлар ҳам юзма-юз бўп келганда,
Айрим кимсаларга қоламан ёқмай.

Қоратовдай суянч бўлдинг, парвона,
Бағринг тўлиб эр этдик биз мардона,
Укаларим той кулундай тепишиб,
Ота бўлди, қизинг бўлди кайвони.

Кўрққандирсан қия чўпни олар деб,
Соғ бошимга совуқ савдо солар деб,
Ёмоннинг оёғи саккиз бўлади,
Қирсиғи қиялаб тегиб колар деб.

Шумлик йўк, қўшилса эриб қоламан,
Элликка келсам ҳам ҳамон чаламан,
Ишонаман, сўнг юраман чириллаб,
Полапондай йўл сўраган сўнадан.

Биров – кулгипараст, соддадил – биров,
Юзингга кулганлар сал тулкидир-ов,
Қўлдан келса, пискиб ётган дунёга,
Ташлаб юборсам дер томизғи, олов!

Фаришталар юрар мени қанотлаб,
Илҳом келса – сўз айтаман соатлаб,
Чарчамасман, қувват берар эл-халким,
Шеър ўкисам, дув қарсақлаб-шаппатлаб.

Ўргатмабмиз оз-кам шумлик, дил очик,
Ғамлар-жонга, жоним-шеърга чин ошиқ,
Минг бор шукур, яхшиларнинг борига,
Кундай порлаб чиқар олддан нур сочиб!

Отажоним, барига сиз яхшироқ!



КЕТИБ ҚОЛИБ ЭДИ ОТА-ОНАМИЗ

Денгиз кочиб борар мисли хаёлдай,
Симобдай силжиди, кўчар соядай,
«Бу – Орол» деб, туристларга уялмай,
Кўрсатганда пешонага тер келар.

Бўлдим деб халқимнинг кўзига куюк,
Томоша қилганга ковоғим уюб,
Қорақуши қалин кумларни суюб,
Қантарилмиш отам минган кемалар.

Келдик, кетдик... – хабарлашар ҳолинг йўк,
Шўрликкинам, соя солар толинг йўк,
Нафас олиб кимирлашга жонинг йўк,
Олов ичра сур «аждорха» ўрмалар.

Биров бойлигини санаб ўйнайди,
Келажакга режа тузиб ўйлайди,
Биров қоп қўллашар, биров тўйлайди,
Ол, Оролга дармон бўлмас тангалар.

...Кетиб қолиб эди ота-онамиз,
Қанот қоққан вақтда ақли дономиз,
Чирилладик: «Энди қайдан топамиз?»,
Тор сукмоқда одим сайин чел келар.

Онам Орол, акам асқар тоғларим,
Сизлар кетиб мен сўтилдим чарчадим,
Тешик тўндай шамол хувлаб ҳар ёғим,
Бутасам-да чор тарафдан ел келар.

Кумнинг вишиллови жонимни олар,
Окбош тўлқинларга менгзар оқимлар,
Шўр қўлларда суйрак излаб оқ қувлар,
Сегбир тортиб шиншиганда сел келар.

Ўзинг бор пайт давлат тошиб бахт кўнда,
Қайтганингда булбул учиб зоғ кўнда,
Ота-онам кетиб қалбим қоқ бўлди,
Сувлар кайтса аждарҳали чўл келар.


Қиз-келинчак «Ойдинлар»ни айтганда,
Ғоз тўдаси кўчиб қатганда,
Бакра балиқ емиш излаб сузганда,
Саратонда шикир-шиқир санг келар.

Тирик маржонларинг кетди қайларга,
Излаб югурамиз қирга сойларга,
Қўлдан бсриб, қўл чўзамиз ойларга,
Кафтимизга совуқ, салқин, хул келар.

Ултонингда ола қуюн чопишма,
Нор қамиш инграйди зорли нолишда,
Мен шеър ўқиб турсам бир чет соҳилда,
Сароблар ортидан теран кўл келар.

Халқнинг хазинаси давлати эдинг,
Тўрғипи мойланса омади эдинг,
Яна бир келар-ов навбати элнинг,
Тебренбес тоғ ёқдан қўнғир ел келар.

Кимлар нутк сўзлади мойлаб халкумни,
 Босиб кетиб минбардаги шовкинни,
 Жайхун тошиб сағирадай халкимни,
 Кутлаш учун кема-кема гул келар.



Ойдинлар – Машхур кушик номи.
 Санг – «санг» аслида то дегани. Бу ерда: сувдаги сузиб
 юрувчи кўчма музлар кўзда тутилмоқда.
 Суйрак – пичаннинг кўп пайти. Бу ерда «емиш» маъносида.
 Сегбир тортмоқ – кийналиб зор қолмоқ.

КЎНГИЛ СИРИ

(йигит қўшиғи)

Айтмоқчидим сенга ички сиримни,
 Ҳислар ичга сиғмай юлкиб-суринди,
 Ташласанг бўлмасми кушдай қирингни,
 Ўн тўққиз баҳорим, қулок сол менга.

Қимтиниб кўчангдан ўтдим мен аста,
 Тилагим – кўрмасин ўзингдан бошқа,
 Майли, ловлаб ёнай – бир назар ташла,
 Жилмайиб кулмасанг дунё тор менга.

Айт-чи, жоним, недур менинг гунойим,
 Ақлим ўғирлади гул-гул чиройинг.
 Ихтиёрим сенда, боққаним-раъйинг,
 Инсоф қил, кайтиб бер ихтиёр менга.

Юлдуз ёнган жовдир кўзинг дўнғалаб,
 Ялинсанг «уй ёнидан ўтма»лаб,
 Қалб бандаргоҳида ўзингдан бўлак,
 Ушлаб олай десам, йўқ ҳеч тол менга.



ОЗОРИНИ ЎЧИРОЛМАДИМ

Юрсам ҳамки ҳеч мунги йўқдай,
Дардинг бўлди қадалган ўқдай,
Ўртар жонни кўйдирган чўқдай,
Озорини ўчиролмадим.

Армонларнинг бағри сўкилди,
Орзуларим кўкни забт қилди,
Осмонимда чакмоқ чақилди,
Булутларни кўчиролмадим.

Ҳазиллашдим, сени кулдирдим,
Юртга зарра келмас билдиргим,
Бекитдим-у кўнгилнинг сирин,
Сени сира кечиролмадим.

Шамолда хувиллар боғларим,
Ўзимни ёмғирда топладим,
Тутуним йўк, ичдан ловладим,
Оловни ҳеч ўчиролмадим...



ҚОҚЛИҚУМ ЛОЛАСИ

Қарайверсам, айб кўрма, ўроғим,
Юзинг иссиқ, келаётир сўрагим,
Онанг билан полапондай бир ўсдик.
Соғиндим мен ўша овул дарахтин.

Қиз бола чун ота юрти қалқондай,
Ота-онасиз жапсар кулаб қолгандай,
Шукрим кўпдир, тутун чиққан ўтов бор,
Қийналганда тўғри излаб боргандай.

Соғинч кўтарди гоҳо снғсамдан,
Юрагимга тўлқин-тўлқин чер келган,
Кўзга иссиқ нарвон бўлган тутларнинг
Уча бошларининг болин терганман.

Опалар кутганда «булбулнинг сасин»,
«Гўжани ағдариб», кўкайин кесдим,
Гаштакларда чий сиртидан мўралаб,
Файзин қочирганмиз завқиёб кечнинг.

Онам пайти қизил гулдай яйрадим,
Қоқини ҳам, қаймоғин ҳам кўймадим,
Оналардан келар онамнинг ҳиди,
Кўргандай бўламан қадди-бўйларин.

Онанг – қадрдоним, бирга сирлашган,
Кўнгил созин, сирин бирга мунглашган,
Беланчак учганмиз тол соясида,
Тўрғай чирилласа –бирга тинглашган.

Нарвон толлар мени соғиндимикан?
Нега келмайди деб, қақиндимикан?

Боёкиш онамдай, рўмолин олиб,
Йўлимга кўзларини илдимикан?

Айт-чи, кани овулимнинг боласи,
Очилдими Қоқликумнинг лоласи?
Келган сайин бахор менинг ёнимга,
Қирмизланиб кетар кўнглим даласи.

Изимга кўз солсам, қалбим хувлади,
Қайга кетди ўша мунгли қувлари,
Ўзгаларга таъми тотсиз бўлса-да,
Болдай эди менга овул сувлари.

Бор ҳаётдан ютқазигим, ютишим,
Умр – кураш, шу курашда бор ишим,
Соғинганман, бор онангга салом айт,
Топиб келсин «бектош, теппек» кутисин.



Жаспар – қора уй (ўтов) нинг томонларидан бири, муҳим
қисм. Бу ерда – оиланинг устун и маъносида.
Чақиниш – ёмонлаш (чақимчилик-шу сўздан)
Бектош, Теппек – болалик уйинларининг номи.

КЕЧИР, ЖОНИМ, КЕЧИРА ОЛСАНГ

Сен кўнглимнинг созида борсан,
Ғамга тўлган ҳижронли торсан.
Ёқдим ўзга уйнинг чироғин,
Кечир, жоним, кечира олсанг.

Билдим азоб чекканларингни,
Дардли кўз ёш тўққанларингни,
Мени соғиниб кўтганларингни,
Кечир, жоним, кечира олсанг.

Сени излаб юлқинар кўнглим,
Тақдир дедим, ўзимни енгдим,
Кечир, жоним, орзу боғидан,
Айроликнинг гулларин тердим.

Кўз олдимда Мажнун ҳолларинг,
Азобларда ёндинг, ловладинг,
Чўғ-олов бўп туташди ҳислар,-
Лек тақдирни енга олмадим.

Кўнгиш яқин, орамиз йироқ,
Ёқдимдасан ҳар дамда бироқ,
Энди ўзинг ўзга боғдаги,
Нарвон бўлган сояли дарахт.

Билдим азоб чекканларингни,
Дардли кўз ёш тўққанларингни,
Мени соғиниб кутганларингни,
Кечир, жоним, кечира олсанг.

ТУТ КАБИ ТЎКИЛИБ

Соғинчлар азоблаб нозик жонимни,
Азоблар эгаллаб олди танимни.
Туйғулар сеҳрлаб ўй-ҳаёлимни,
Мен Лайли кўшида ўйга толаман.

Ўғрин-ўғрин йўллариингга қарадим,
Шамоллардан дарагингни сўрадим,
Сенсиз қуриб битди кўнгил оролим,
Тут каби тўкилиб, шовлаб қоламан.

Ёмғир деразамни турса савалаб,
Сен келарсан ўйларимни ёқалаб,
Кўнгил қушим учар шунда ҳаволаб,
Орзу қанотларин қиркиб оламан.

Озор берса қалбимнинг мунг-налоси,
Топилмайди ўзгадан ҳеч чораси,
Дийдоринг, савлатинг – дардим давоси,
Шу гўзал ҳислардан нафас оламан!



КЎНГИЛ СОЗИ

Нафасим ўзингсиз ёпилган чоғи,
Дарахтлар зарварақ ёпинган чоғи,
Юрагим ўзингни соғинган чоғи,
Айрилиқ не деган озорли, жоним...

Ойдаи балкиб ой кизларнинг қошинда,
Маликадай эдинг Лайли кўшианда,
Муҳаббат олови ёнди ичимда,
Айтмоқ бўлдим келган азобни, жоним.

Ишқ нолаеси бордир кўнгил созимда,
Сен бўлмасанг кўрк йўқ баҳор, ёзимда,
Сен бўлмасанг нур йўқ ҳатто, кўзимда,
Солимни сув олган, ярали жоним.

Бахтим қушларининг қаноти ярим,
Нолалар тирнайди кўнгилнинг торин,
Ипсиз боғлаб олган соҳибжамолим,
Бахт йўлига бирга қарайлик, жоним.



КЎНГЛИМ

Сен бўлсанг ҳам қўшигим, шеърим,
Олдирмадим кўнглимнинг сирин,
Атай кўзга илмаган бўлиб,
Ташламадим кўзимнинг қирин.

Такдир қўшиб умрлар йўлин,
Тутганимда ўзганинг қўлин,
Кўнгил чора топмай узилди...
Йўлим нозик, чайкалди тўлим.

Ёқтирар деб ўйламадинг-да,
Ички сирим бўйламадинг-да,
Гулдай сўлдим ўзга жон билан,
Бахт онларин тўйлаганимда.

Бахт тиладим тилим увушиб,
Иссиқ диллар кетди совушиб,
Гулзоримда кузги япроқлар,
Юрар бирин-бири қувишиб...

* * *

Зарварақ ёпинган боғларда,
Куз изғиб юрар ҳар жойларда,
Япроқларни шамол, изғирин,
Олиб учар аллақайларга.

Қўл ушлашиб ўтар нечалар,
Жуфт-жуфт бўлиб кўркли кечалар,
Олти кунлик аямажуздай,
Сенсиз ҳувлаб турди кўчалар.

Қайда ўша Мажнун ёр дея,
Жимир-жимир юлдуз сўроғлар,
Шамоллар шивирлаб, юпатиб,
Сояларимни тол-тол тароғлар.

Ёлғондай ўзингдан безганим,
Дийдоринг соғинган кезларим,
...Жонимни суғириб тортади,
Ўзига меҳриё кўзларинг...



КУЗГИ СОГИНЧ

Қайтди ғозлар қатор тизилиб,
Кузатаман кўзим сузилиб,
Жойлашади кузги япроқлар,
Шохларидан аста узилиб,

Кўз олдимда суратинг аник,
Турар кўзинг юлдуздай ёниб,
Кўнгил торин чертиб ўйнайди.
Сирли туйғу жонимни олиб.

Қўл ушлашиб ўтди икки ғоз,
Кўкда кушлар қилгандай парвоз,
Ў ёшликни соғиниб шунда,
Гувлаб келди қалбдан бир овоз:

«Омонмикан?...»-қанийди билсам,
Сен – бояги тенги йўқ хурсан,
Юрагимнинг энг, энг тўринда,
Шудринг босган қирмизи гулсан.



БЕХИШТДАН ЎРНИНГНИ ТОПАСАН, АЁЛ!

Қайнаб-қайнаб сути тошган қозондай,
Ок купикдан тўкилмоқчи бўласан,
Оролдаги қирлаб қолган сазандай,
Қайнаган қумларга кўмилмоқчимсан.

Ғамга бериласан неликдан, Аёл,
Дардлардан дамланиб димиққан, Аёл!

Тутлар шийдамланса ўтган пайти ёз,
Қайғу –мунг ёпиниб олса япроқ ҳам,
Мингта ғам бефойда, сендан беғараз,
Бағрига тортади она тупроқ ҳам.

Беш кунлик меҳмонмиз ҳаммамиз, Аёл,
Умид ипин узиб кўйганмиз, Аёл!

Дунё сизга ҳали берар минг салом,
Сизсиз у қуврайди қаровсиз қолиб,
Хўкиз шохларига жойлашмас олам,
У сизнинг елкада тургани аниқ.

Шул сабаб муқаддас Каъбасан, Аёл,
Беҳиштдан ўрнингни топасан, Аёл!


* * *

Биз туман ортида рўмолин силкиб,
Ўн саккиз баҳорим, кўзи жовдираб,
Елкандай хилпираб шоҳи кўйлаги,
Олис-олисларда турар булдираб.

Хаётимнинг бахори бор, ёзи бор.
Камиш найларинда нолиш сози бор,
Кўнглим ичра, Қоратеран кўл узра,
Ғамгин нағма чалиб турган ғози бор.

Тоза, нафис гуллар териб боғингдан,
Дуркин-дуркин кизлар ўтди ёнимдан.
Хирмон совурмасдан келиб «бешкунок»
Орзум куши учди дил чорбоғингдан.

Ёшлигим еталаб изга қайтаман,
Бағримдаги доғни кимга айтаман?
Товусдай товланган сарви бўйлигим,
Тилсимли қафасга солар қайтадан.



ОНА ЕР – ОНАМ

Фарзандингман она Ер деб топинган,
Бағри пора, шўрдан кўрпа ёпинган,
Қалбимда ўт, жоним дардли холингдан,
Сенга мунгдош бўлган кушман, Она Ер!

Тухум сепсам дон бердинг сен ошимга,
Лойдан курсам пана бўлдинг бошимга,
Атрофимни белаб қизил-яшилга,
Жаннатга айладинг, сахий Она Ер!

Меҳнатим – жужалар, эрта баҳорда,
Ишга тушдим енгил туриб сахарда,
«Сув!» деб бўйнимизни бурган маҳалда,
Бир кўшилиб гунгранганмиз, Она Ер!

Тўрт рангли либосда келбатлисан сен,
Олтин хазинали, давлатимсан сен,
Сувлар тўлқиб оқса, шавкатимсан сен,
Ҳаммага бирдайсан, Она Ер, Она!

«Лаббай!» деймиз ботирларча шайланиб,
Туғилган заминга киндик бойланиб,
Чўл полвони саксовулга айланиб,
Танангга ўт солажакмиз, Она Ер!

Армон қовурғасин қалай сўтарман,
Фарзандлик фарзини қандоқ ўтарман?
Яхши ва ёмонни тенгдай кўтарган,
Асл манба-булоқсан танҳо, Она Ер,
Ҳаммага бирдайсан, Онажон-Замин!

БАХТНИ КУТИНГ, ЧАРЧАМАНГЛАР, АЁЛЛАР

Сизларга томирдош юракда сирларим,
Кўзингдан англарман ғам билан мунг борини,
Сирниғиб, калбимни қайтадан тирнадинг,
Умид қил тонглардан, етилар хирмонинг,
Сени дсб янграйди кўйларим, шесърларим.
Ҳасратли нафасга кўникманг, аёллар,
«Кўлларим калта» деб торикманг, аёллар,
Йўлларига поёндоз-ёруғ тонг, аёллар,
Бахт кутинг,
 чарчаманг,
 зерикманг, аёллар!

Турмуш ташвишидан ғавғоли бу бошинг,
Ширашиб тош қотган қалбингда кўз ёшинг,
Заъфарон елимдир, бир ютум оқ ошинг,
Умид, нур ялт этар, ўғил-қиз бардошинг,
«Пирим!» деб сийлайвер фарзандлар отасин,
Ҳасратли нафасга кўникманг, аёллар,
«Кўлларим калта» деб торикманг, аёллар,
Йўлларга поёндоз ёруғ тонг, аёллар,
Бахт кутинг,
 чарчаманг,
 зерикманг, аёллар!




ЯНА БАҲОР КЕЛДИ...

Айтнлмасдан бир сўз лабингда колди,
Сир бўлиб қолгандан аклим лол бўлди,
Кўнглимга бир тилсим ғулғула солди,
Бундан ортик жонни ўртар сезим йўқ,
Яна баҳор келди. ҳайҳот, ўзинг йўқ.

Балиқдайман кирда қолиб димикқан,
Ўтли чўғман ловлаб чикқан кўрикдан,
Шу сўзингдан олов олиб турибман,
Ёнган ерга ямоқ бўлар бўзим йўқ,
Яна баҳор келди, бироқ ўзинг йўқ.

Ишқинг гулханида ловлаб ёнарман,
Сувсиз куриб битган гулдай сўларман,
Фарҳодин излаган Ширин бўларман,
Сўнги дам ҳам излаб ўтай, ичим чўғ,
Сен айтган баҳорни топдим, ўзинг йўқ!

Чаманлар ўзингсиз ғунча боғламас,
Чор атрофим гул-гул бўлиб яшнамас,
Баҳор келди, боғда булбул сайрамас,
Сени излаб кўнглим кетди, изи йўқ,
Баҳор келди, бироқ сенинг ўзинг йўқ.



ЕЛ УЧИРГАН ЖУВОНЛАР

Биров йиғлар, биров кулиб-ўйнайди,
Оркангиздан тўнлар кийиб, тўйлайди,
Кўлдан берган емга куш ҳам тўймайди.
Қай дардинга дармон бўлар тангалар?!

Кадр-киммат, номусингни йўқ қилган,
Қора халкум, томоғингни тўқ қилган,
Пушаймонинг юрагингни чўғ қилган,
Тиниқ сувни лойлаб кетган «янгалар».

Аср иллоти бу – одам савдоси,
Ўргимчаклар ови – шайтон ғавғоси,
Тушиб қолсанг, дўзах ўти – совғаси,
Жон талашиб жезтирноғи елкалар.

Соддалиқдан нокаслар-ла йўл юриб,
Кутмаганда неча хорликлар кўриб,
Жон ачийди, нени улгурдинг билиб?!
Ор чиркиллаб, қатлам-қатлам чер келар.

Сутга тушган куясидай кўмирнинг,
Ўтли сўзга, ўқли кўмилдинг,
Юргинг келди усти билан енгилнинг,
Олиарми кўзга тушган шўнқалар?!

Шахло кўз, ой юзинг кун сайин сўниб,
Кўз ёшинг кўл бўлиб, ичига чўкиб,
Армонлар, аттанглар шўрига бўкиб,
Мунғайсанг сен, бўтакўзлар дўнгланар!

Ёлғон бу дунёга икки келмоғинг,
Ичида юрибсан тешик кеманинг,
Тўроқ бўлиб чикди мой деб еганинг,
Онанг руҳи безовтадир, ғам чекар!

Каклик кушдай фарзандингга пана бўл,
Кўрганинг кўп, кўйганинг кўп, доно бўл,
Сен – аёлсан, иссиқ уя, хона бўл,
Нихолларинг баргин ёзиб кўқарар.

Уюрдан адашиб қолган моролим,
Ой юзи доғланган, жони яралим,
Уйинг – жаннат, ризқу давлат, қарағим,
Ўзагингга ўт кўяди ўзгалар...



Шунқа – тиканак, пайраҳа, чўп-чўнка,
Тўроқ – айрондан тайёрланган таом.

ТУРНАЛАР ҚАЙТГАНДА

Қайтган турналарнинг кўриб тизимин,
 Ҳаётимнинг баҳор, ёзин излайман,
 Бир замонлар чойкуш олиб кетгандай,
 Меҳмон экан ёшликдаги кезларинг,
 Шу қалай кўнглингни тинглатмас экан.

Ўйлаганинг доим бўлавермайди.
 Мойинг тўроқ чикса – ичинг тўнглайди.
 Барчани сен тек ўзингдай кўрасан,
 Ҳақнинг тўни калта бўлар, тўзмайди,
 Қадрини ҳеч ерда йўқатмас экан.

Асли, одам бир-бирининг меҳмони,
 Яхшининг юзинда доим иймони,
 Оқимига нега тортади десам,
 Меҳригиёсининг юзга ёйгани,-
 Улар бегоналик англлатмас экан.

Баъзилар тирнайди кўнгил торингни,
 Тортиб олмоқ бўлар дилда борингни,
 Ич-бағрингга кириб олиб туради,
 Кўрғашиб юргандай номус-орингни,
 Аммо-бирок бирга тўлғатмас экан.

Яхшиларга эл-юрт умид ортади,
 Юкниям туянинг нори тортади,
 Умр дарбантида текис гузар йўқ,
 Йўлларингда шоқол, тулки йўртади,
 Изга қайтганингни чайқатмас экан.

Ўз қарашинг билан ўлчаб қоласан,
 Кенг дарёдай кўнглиннга ҳам соласан,
 Тулки чикса този бўлиб тутолмай,
 Сўнгра ўз ёғингда ўзинг ёнасан,
 Қалай жиғилдонинг қайтмас экан?

«Дадилдан тўғри сўз...» айтдим, қайтдим,
 Лафз қилиб айтилганини ичга ютмадим,
 Қизил емишларга тугиб оримни,
 Нафсим тийдим, лекин эгри тутмадим,
 Кўнглим қуш йўлига қанотдош экан.

Агар сўзим топиб турса жўясин,
 Ўзи бориб топиб олар эгасин,
 Ор кадрини билмаганга ор недир,
 Сурткини келганлар кўнгил куясин,
 Ақлингни теранга бўйлатмас экан.

Қўй, эй кўнглим, кочирмайин қутимни,
 Ундан кўра сўз айтайин тутимли,
 Рангимни ўчириб, ҳалагим меннинг,
 Бирозин айтмадим, ичга ютилди,
 Сарик чўп гулшанни яйратмас экан.

Эл-юртни орала, бир дам зериксанг,
 Илҳомланган кўнгли тоза халқдан,
 Яхши сўздир жон озиғи аслида,
 Қанот берар, кўтаради толиқсанг,
 Бекорга тўйингни тўйлатмас экан.

Ҳақ яратган, ўзгадан йўқ тирагим,
 Бир қўлим от, бири қамчи юрардим,
 Орим, жоним, қоним қоришган,
 Халқим деса, типирчилар юрагим,
 Қўшиғим кўнглиннга завқдош экан.

Элаштира бу дунёнинг торлигин,
 Она ердай кўтаравер борлигин,
 Илоҳнинг бир парча шуъласи бўлар,
 Сенинг яхшиликка интизорлигинг,
 Қалай гулдан чаман боғлатмас экан?

ТУРНАЛАР ҚАЙТГАНДА

Қайтган турналарнинг кўриб тизимини,
 Ҳаётимнинг баҳор, ёзин излайман,
 Бир замонлар чойкуш олиб кетгандай,
 Меҳмон экан ёшликдаги кезларинг,
 Шу қалай кўнглингни тинглатмас экан.

Ўйлаганинг доим бўлавермайди.
 Мойинг тўроқ чиқса – ичинг тўнглайди.
 Барчани сен тек ўзингдай кўрасан,
 Ҳақнинг тўни калта бўлар, тўзмайди,
 Қадрини ҳеч ерда йўқатмас экан.

Асли, одам бир-бирининг меҳмони,
 Яхшининг юзинда доим иймони,
 Оқимиға нега тортади десам,
 Меҳригиёсининг юзга ёйгани,-
 Улар бегоналик англамас экан.

Баъзилар тирнайди кўнгил торингни,
 Тортиб олмоқ бўлар дилда борингни,
 Ич-бағрингга кириб олиб туради,
 Кўрғашиб юргандай номус-орингни,
 Аммо-бирок бирга тўлғатмас экан.

Яхшиларга эл-юрт умид ортади,
 Юкниям туянинг нори тортади,
 Умр дарбантида текис гузар йўк,
 Йўлларингда шоқол, тулки йўртади,
 Изга қайтганингни чайқатмас экан.

Ўз қарашинг билан ўлчаб қоласан,
 Кенг дарёдай кўнглингга ҳам соласан,
 Тулки чиқса този бўлиб тутолмай,
 Сўнгра ўз ёғингда ўзинг ёнасан,
 Қалай жиғилдонинг қайтмас экан?

«Дадилдан тўғри сўз...» айтдим, қайтдим,
 Лафз қилиб айтилганини ичга ютмадим,
 Қизил емишларга тугиб оримни,
 Нафсим тийдим, лекин эгри тутмадим,
 Кўнглим қуш йўлига қанотдош экан.

Агар сўзим топиб турса жўясин,
 Ўзи бориб топиб олар эгасин,
 Ор қадрини билмаганга ор недир,
 Сурткиси келганлар кўнгил қуясин,
 Ақлингни теранга бўйлатмас экан.

Қўй, эй кўнглим, кочирмайин қутимни,
 Ундан кўра сўз айтайин тутимли,
 Рангимни ўчириб, ҳалагим менинг,
 Бирозин айтмадим, ичга ютилди,
 Сарик чўп гулшанни яйратмас экан.

Эл-юртни орала, бир дам зериксанг,
 Илхомланган кўнгли тоза халқдан,
 Яхши сўздир жон озиғи аслида,
 Қанот берар, кўтаради толиқсанг,
 Бекорга тўйингни тўйлатмас экан.

Ҳақ яратган, ўзгадан йўк тирагим,
 Бир қўлим от, бири қамчи юардим,
 Орим, жоним, коним қоришган,
 Халқим деса, типирчилар юрагим,
 Қўшиғим кўнглингга завқдош экан.

Элаштирама бу дунёнинг торлигин,
 Она ердай кўтаравер борлигин,
 Илоҳнинг бир парча шуъласи бўлар,
 Сенинг яхшилиқка интизорлигинг,
 Қалай гулдан чаман боғлатмас экан?

САҲРО МОРОЛИ

Очсам сирга тўла кўнгил сандиғин,
Жонимни ёз айлар интизорлиғинг.
Англамасми эдим жаҳон торлигин.
Зарра соғинтириб келмаганингда.

Қоқ сувидан тотган саҳро мороли,
Ёмғирга талпинар кўнгил ороли,
Сағбир тортиб, обдон чарчаб қоларди,
Тушимга бўз отдай энмаганингда.

Вақтим ҳам йўқ, шу-гапимнинг чин, рости,
Сен – дардимсан, ҳам дардимнинг давоси,
Гул яшнарми кўркисиз саҳро-даласи,
Кўнглингдан гул узиб бермаганингда.

Қоқ сувидан тотган саҳро мороли...



МЕҲР БУЛОҒИ

«Давлатбоши» дейди тўнғич кизларни,
Ундан аямаслар уйда сирларни,
Қунлар ёйма-чувоқ, гоҳо нам, қорли.
Қарвонга бош бўлиш қийин, ажапа!

Меҳрибонсан баъзан отадан ортиқ,
Турамиз бўйнингга ташвишлар ортиб,
Сен ҳам келаяпсан нор бўлиб тортиб,
Ҳақиқий сарбонсан ўзинг, ажапа.

Жонингни ёқасан синглим, иним деб,
Ҳар қайсиси ташвиш ортар биримлаб,
Тентақлари юрагингни тилкимлаб,
Минг савдога солиб юрар, ажапа.

Кўрпага қарамай оёғин чўзар,
Ўзлари ўзмамбет, қатордан ўзар,
Айтган ақл юқмас, жағинг ҳам тўзар,
Аравани текис тортдинг, ажапа.

Ўзинг емагани егизганинг бор,
Боланг қиймагани кийгизганинг бор,
Ўз уйингдан олиб, бергизганинг бор,
Меҳрнинг бўлоғи ўзинг, ажапа.

Бирни айтиб, бирни айтмай қуясан,
Ғайратинг бор, улкан қучга эгасан,
Бирда туя, бирда чиндан биясан,
Суйсанг – юзим, тутсанг – орқам, ажапа.

Сенинг кадр-қимматинг билганлар ҳам бор,
Кўнгил тугунига тукканлар ҳам бор,
Ўзингни кадрлаб юрганлар ҳам бор,
Кўролмаган манқурт бўлманг, ажапа!

ҚАЛДИРҒОЧ ЭКАН ҚИЗ БОЛА

Қалдирғоч келса уйларга,
Бездирманг, болалар, уядан,
Тилакдош бұлиб хар сафар,
Қанотлаб келар қиядан...

Қалдирғоч экан қизлар ҳам,
Хонамга зўрға сиғаман,
Учдим-да кетдим узокка,
Тўғилиб ўсган уядан.

Қалдирғочга тенгларлар,
Бўйга етган қизларни,
Узатганда эл мени,
Ўз кизидай қизғанди.

Мукаддас кушдай, қанотлаб,
Йилига бир бор борарман,
Укалар қўлин шаппатлаб,
Овулга хабар таралган.

Чечамлар келар олисдан,
Назарин мендан ололмай,
Дийдоримга тўймасдан,
Қийилиб турар онамдай.

Кўзлардан мехри оқади,
Янгамлар кучоқ ёйганда,
Кўнглим ўсиб кетади,
«Оқ бекач» деб айтганда.

Оғолар турар сир бермай,
Супуриб кўзнинг намини,
Инилар турар сездирмай,
Соғинчда тишлаб лабини.

Келинга сира сўз борми,
Бўз уйнинг эрка бекаси,
Гап чиқиб кетмасин тағин-а:
«Сув кўтармас сиркаси...»

Онамсиз хувлаб тургандай,
Ўрдамнинг олтин парчаси,
Ёлғиз Каъбамдай бўлолмай,
Югуриб юрар барчаси.

Соғинчлар ўти ловларкан,
Кўзларим ёшин отарди,
Музлаб тураман тополмай,
Ўрнидан азиз отамни.

Жониқиб, ерга елиниб,
Тоғларим қани, изларман?!
Кўнглим чикқандай, ўйимга,
Мен энди оҳлаб қайтарман.

Қалдирғоч келса уйларга,
Бездирманг, болалар уядан,
Тилакдош бұлиб бизларга
Қанотлаб келар қиядан...

ЯХШИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Яхши ота Жийранчадай, Афлотундай,
Ўз даврининг донишманди, худди кундай!-
Меҳри қалқиб, юзларидан нур томади,
Элин севар кўзининг оқ-корасидай.
Маърақада давраларнинг кўрки бўлар.
Кундуз бўрқдай, қамқа тўннинг ёқасидай!

Яхши она соя солган толдай бўлар,
Келин тушса, оқ юзига холдай бўлар,
Мақтагани қувват бўлиб, айтган сўзи.
Танглайингга татийдиган болдай бўлар,
Талқин қоқиб, қирғоқ кўзлаб талпинганда,
Ғойиб эранлар юборган солдай бўлар.

Яхши оға – хамирдан қил суғургандай,
Элим деса, томирдан қон югургандай,
Бойчибордай юрагининг дириллаши,
Хайдовларда ер танобин қувиргандай,
Кўзлангани қора бошнинг ғами эмас,
Хизмат қилар халқи учун туғилгандай.

Яхши ини сўм пўлатдан қуйилгандай,
Қоп қўллашса – юзинг нурга ювилгандай,
Ўсиб келар шу Ватаннинг йигитлари,
Онасида мардлик учун туғилгандай,
Оилада оға-ини тотув бўлса, –
Бўсағада меҳр нури йиғилгандай.

Яхши аёл – иссиқ уйнинг хонасидай,
Ипак миназ, оқ пахтанинг толасиндай,
Жовдирайди, ёмонга ҳам ётлиги йўқ,

У ҳаммани кўради ўз боласиндай,
Меҳригиёси – оҳанграба, тортиб турар,
Оқ румолли овул-элнинг онасиндай.

Яхши бўлса ажапангиз – бой экансиз,
Чор тарафи, тўрт тулиги сай экансиз,
Фарзандининг томоғидан кийиб бсрар.
Ўриши кенг, эрка қулун, той экансиз,
Поччанг фақир яхши бўса-билинмайди,
Экканда йўқ, тикканда йўқ пай экансиз.

Яхши сингил туғишганга мурод бўлар,
Қисилганда, қийин кунда қувват бўлар,
Қоқ сувига келиб турган кийик бўлсанг,
У-меҳрингни кондургудай суват бўлар,
Қоранғида товушингдан танийдиган,
Олтин камар, тилла безак, қувват бўлар.

Яхши дойи юрагингга якин бўлар,
Кўрасига ўғри тушсанг – ҳақинг бўлар,
Эркалигинг фақат дойи кўтаради,
Насиб этса, энчи деган пайинг бўлар,
Дойи юртинг – ҳамма юртдан якин юртдир,
Гумбурлаган кубинг тўла мойинг бўлар.

Яхши дўстинг жон ичида жондай бўлар,
Кунчиқардан отган сулув тонгдай бўлар,
Дутордаги ич-ичингни жимирлатган,
Жон титратган, ипдан эшган тордай бўлар,
Ортик чиққан эгизларнинг бири каби,
Бир туғишгандан, номус билан ордай бўлар.

Яхши почча жон дегудай жонинг бўлар.
 Қон қўллашса ўз акангдай норинг бўлар.
 Жони ачир нақ туғишган оғанг каби,
 Саратонда соя берар толинг бўлар,
 Черга билса кўнглингнинг бор андишасин.
 Дутордаги кўшадаста торинг бўлар.

Яхши бола хонодошдай бағир бўлар,
 Тотувликда чин кардошга доир бўлар,
 Бирга ўсиб «аркаш» этиб, юпатганда,
 Эгни толиб, орқалари яғир бўлар,
 Эс кирганда бўтадайин бўзламасин,
 Жанжал чикса хаммасидан оғир бўлар.

Яхши жиян эл бўлади билганларга,
 «Жияндан эл бўлмайди» –дей кўрманглар-а!
 Қамка-тўнин кийиб келса-тўрлатасан,
 Жиян бола пай юбормас кулганларга,
 Отин боғлашга ярамай қолиб юрманг,
 Елка ёқда гўшт бўлмайди деб юрганда.

Яхши куда ор-номусга шерик бўлар,
 Суяк-томир сирларингга берик бўлар,
 «Бор, товоғим – кел, товоғим», синмасин ҳеч,
 Шундагина элда куда-кўрк бўлар,
 Икки ёқнинг орасида йўрға юрса,
 Оқибатли куда бошда бўрк бўлар.

Яхши бўлса кудағайинг – кунинг бўлар,
 Кўнгил хушинг, булбулзибон унинг бўлар,
 Қийсини сай келмай турса куроқдаги,
 Қийиндан қийшайтирган гулинг бўлар,
 Юрак ўртоқ, қони билан қон коришиб,
 Жондан ортиқ, Бибифотма пиринг бўлар.

Яхши йингит – бутун элнинг боласиндай,
 Сахний, хақгуй, чорванинг кенг даласиндай,
 Қаторларин канотига олиб юрар.
 Адолатли давронинг зўр қалъасиндай,
 Бағрин очиб, элу-халқни тенг кўради.
 Юрагига яқин тутиб жўрасиндай.

Яхши қизлар – ўн тўрт кунлик ойдаи бўлар,
 Тиниқ сувли мўлдираган сойдаи бўлар,
 Жайрон юриш, ипак миназ, хуш киликли,
 Киприги ўқ, қалам қоши ёйдаи бўлар,
 Ёт кўзлардан четда юрган одоблиси,
 Ҳуркаккина, ип тегмаган тойдаи бўлар.

Яхши куёв – пайгамбарнинг боласиндай,
 Ёзиқ майдон, Шақаманнинг даласиндай,
 Сеп-севимли қизингдан ҳам яқин бўлар,
 Яшнаб турган Қақлиқумнинг лоласиндай,
 Куёв деган номи улуғ, тантановар,
 Жонга яқин нақ Чимбойнинг қалъасиндай.

Яхши келин – дилгинангни жой қилади,
 Қуроқ каби гулни гулга сай қилади,
 «Сеплисидан эписи жўн» дегани бор,
 Тўроқ эмас, чўмичингни мой қилади,
 Яхшиларни ёнган ерга ямок бўлиб,
 Булутли оқшом осмонингни ой қилади.

Яхши фарзанд – ёйма-чувоқ бўлар,
 Нор ийдирган ёқимли бир создаи бўлар,
 Қобил фарзанд тўйганига тўлишмайди,

Топганига, масту байрам ғоздай бўлар,
Карвон йўлда кўч тортганин кўрганнингда,
Кўрган азоб, ташвишларинг оздай бўлар.

Ёмонни минг айтган билан кўнглинг тошмас,
Қийшик канот кора уйга хонадошмас,
Кўп увуқ битта чангроқ тиклагандай,
Кесган этак енгга сира чамалашмас,
Кўзларим тек кўравергай яхшиликни,
Ёмон сўз ҳам кўшиққа дим аралашмас.

Миназ – характер, хулқ-атвор

Суват – сувнинг бошланиш ёки қўйилиш жойи, (сувнинг соқаси)

Дойи – тоға, она томондан қариндошлар

Аркаш – кичкина болани орқага олиб кўтариш. «Аркашптириб ол-кўтариб ол»

Қамқа – тўн тикиладиган қимматбаҳо материал.

Қийсин – 1.Куроқ қилиб қураш қийилган чит, бўлак. 2.Шу бўлакнинг кураладиган томони. 3.Томон, жиҳат, деган маънолари ҳам бор.

Увик – утов тиклашда, тикишда ишлатиладиган ўтовнинг таркибий қисмларидан бири. Увиклардан ўтовнинг деворлари тикланади.

Чангроқ – ўтовнинг тепа томонида турадиган айлана, таркибий қисм. Умумий маънода ҳозир «оила, хонадон» деган маъноларда ҳам ишлатилади.

ОВУЛИМ

Жонимни парчалаб тўкилар тўзим,
Беғубор ёшликни соғинган кезим,
Қуш бўлиб қанотлаб ўзимдан-ўзим,
Сенга қараб учгим келар, овулим.

Гувоҳи бўлгансиз соддалигимнинг,
Сочбоғин жўнлаган чалалигимнинг,
Жовдираган кўзи қорамигимнинг,
Ўғрин-уғрин бокқан ери – овулим.

Рўмоли ҳилпираб, йўлга аланглаб,
«Болажоним, чиқмасин елинг», – деб,
«Уй ёқни соғиниб, қачон келар, – деб,
Қароклаб юргандай онам – овулим.

Нарвон бўлган шул бояги толларим,
Ораларин кўзим билан чорладим,
...Сариқ шойи кийган сахий боғларинг,
Япроқларин йўлга тўшар, овулим.



НЕ ҚИЛИБ ЮРИБСИЗ, БОЛАЖОНЛАРИМ?!

Юрибсиз бемалол мазорни кезиб,
Мисоли юргандай бозорни кезиб,
Куйдирманглар она қалбини эзиб,
Не килиб юрибсиз, болажонларим?!

Умид шодаларин қандок сўтарман,
Кўзимни яшириб қайга кетарман,
Кўркмасдан шунчалик хавфдан, хатардан,
Не излаб юрибсиз, болажонларим?!

Ё излаб келдингиз ота-онангни?
Ё соғиниб хоадошу хонангни,
Сизни кўриб ўйладим ўз боламни,
Бошга нима тушди, болажонларим?!

Ўрмамбет умиди – олтин урпоқсан,
Юзларинг ёрилган туздан, кўрғоқдан,
Ўразан, Маманнинг руҳин чирлатманг,
Замоним гуллари – болажонларим!

Хафа бўлиб қайишганни кўйинглар,
«Нима кидиряпсиз?» – деса қай жонлар,
«Зиёрат қияпмиз...» – дея қолинглар,
Отасин соғинган – болажонларим!

«Қабул бўлсин!» – дейман зиёратингиз,
Сизнинг ҳам тарихда қолсин отингиз,
«Одам нега ўлар?» – деган гапингиз,
Ўйлантриб кўйди, болажонларим!

Ҳозир ўйнаб юрган шўх бир боласиз.-
Десам сизлар узок ўйга толасиз,
Йиллар ўтиб, эл отаси бўласиз.
Сизлардан умид кўп, болажонларим!..



БЕПАРВОЛАР АНГЛАМАС

Шўрли парда бурканар бўз далалар,
Мунг-қайғуга чўлғанади лолалар,
Булбул овозинда ғамгин нола бор,
Беғам жонлар, бепарволар англамас.

Тақдирдошим, дардинг билан ёнаман,
Гул яшнасанг, томирда қон яйраган,
Хаёт гулзоринда меҳмон ҳар одам,
Бахт кушини қўнган пайтда англамас.

Нихол тикар умид билан овулим,
Уч ой чавоқ-озиқ, уч ой-қовуним,
Бўш тулупга бўйнин чўзар соғиним,
Мол дард топса, эгаси дард англамас.

Ватан – онам, қора кўзим хуморим,
Олтин бешик – ул қалбимнинг тумори,
Боғларда сарғайса олма-анори,
Булбулнинг налосин кўллар англамас.

Бадният – яхшига салмоқ солади,
Жилов, қуруқ билмас қармоқ солади,
Бироқ бургут чўққи узра қолади,
Вақиллашган кўлбақалар англамас.

Жайхун бўлиб ювсам ернинг бағрин,
Тиклаб вайта дардли Орол доврўгин,-
Босиларми шунда ўтли ҳовурим?!
Чўлнинг зорин Семурғ қуш англамас!

ҚОРАБАЙИРЛАР

Уйткиб эсган шамоллар-ла курашиб,
Ор-номусга жони билан талашиб,
Жонин кийнаб, товон йўлда тирашиб,
Туёғидан ўтлар чикиб келадир!..

Кўпқари – кўлда, майдон – якин-йироклар,
Йигит тақимиға тегди «улок» лар,
Қилни қирққа ёриб қайчи кулоқлар
Тўпни қок айириб елиб келадир!

Йўл кўрсатиб борар тўпнинг бошинда,
Оқ бўз, жейрон, саман кўк қошинда,
Кўпқарининг шахд-шиддати босимма?-
Оломонга ўраб, олиб келадир.

Туёгин тақалаб, туюб ёлларин,
Дупуридан сезинаман ҳолларин,
Пойгада байроққа тикиб жонларин,
Сувлик билан сувлар ичиб келадир.

Мард йигит сайислаб минган азалдан,
Занги, юган, эгар-сайман-безанган,
Хоназоддай ёл-қўйруғи тузалган,
Оққан юлдуз каби учиб келадир.

Довонлардан ошар, ҳориб-толмайди,
Шу жонивор йигитдай ор орлайди,
Тулпор қайси экан?-билиб бўлмайди,
Бир-бирин қамчилаб чопиб келадир...

Қорабайир отлар учиб келадир!!!

ШОИР ДЕБ АТАМА

Шоир деб ҳеч атама мени,
Қўшиқ каби сенга ёқмасам,
Тун қўйнида эриган гўё,
Юлдуз бўлиб ерга оқмасам.

Шоир дея атама асло,
Қўйлолмасам шундай даврни,
Агар сенга бера олмасам,
Юрагимдан чикқан ҳовурни.

Шоир деб ҳеч айтма орттириб,
Ишонтириб муҳаббатингга,
Гузалларнинг кошин қоқтириб,
Ўртамасам севги ўтига.

Шоир деб ҳеч атама, агар,
Гўзалликка шайдо қилмасам,
Бефарқларнинг юракларинда,
Бир муҳаббат пайдо қилмасам.

Шоир деб айт кўнглинг тебраниб,
Эзгуликка интилганинг он,
Ўтли сўзларимга эргашиб,
Йигитингга гул терганинг он.

Шоир деб ҳеч атама мени,
Жайхун каби тўлиб оқмасам,
Қувватланиб Помир тоғидан,
Оролимга қанот қоқмасам.

Шоир деб айт, мен кўкрак кериб,
Юрагингни бўстон этолсам,
Шу бўстоннинг гулларин териб,
Одамларга инъом этолсанг.

Шоир деб айт ҳеч иккиланмай,
Мавсумларда мен тўлиб-тошсам,
Баҳор билан гул уйқашгандай,
Сўзим билан ўзим уйқашсам!



СҮРОВЛАРИМ БОР, ОТА

- Ота, етим нечов бўлади?
- Болам-ов, етимнинг сони бўладими, ақлга салсанг, етим кўп...

(Сухбатдан)

Сирдош дўстинг колмаса,
Ичда ётган сир-етим,
Оркасуянч оғасиз,
Мунгли кушдай киз-етим.

Ўрдак-ғозлар кўнмаса,
Мўлдир, тиниқ кўл-етим,
Бедавлатга бахт кўнмаса,
Кўли калта эр-етим.

Дарё тошиб оққан чоғи,
Кумга сингса, сув – етим,
Баланд тоққа чиққан чоғи,
Кулаб тушса, туғ-етим.

Ичинг ёниб ҳақлиғингни,
Айтолмасанг шул етим,
Чақалақдан ўлжасини,
Тутолмаган кўл – етим.

Тингловчиси бўлмаса,
Айтилган асл сўз – етим,
Кўкалам-баҳор сарғайса,
Кўрган мунгли кўз – етим.

Кўлловчисин топмаса,
Ҳунар тўла кўл – етим,
Карвони йўқ қатнаган,
Йўловчисиз йўл – етим.

Тўрали сўз айтолмаса,
Сардори йўқ эл – етим,
Тўла идиш чайқалмайди,
Элсиз қолса, ер – етим.

Чор тарафни кезиб юрса,
Давоси йўқ дард – етим,
Куннинг куни омад кетса,
Кўлга тушган мард – етим.

Мен кутганим – сен бўлмасанг,
Шўрли отанг мен – етим,
Тўғри йўлни ўргатмасам,
Оқибатда сен – етим.



ОТА-СОЯЛИ БОЙТЕРАК

Олти ўғилнинг ичинда,
Қиз бўлиб ўсдим эрқароқ,
Чалалов эди ишларим,
Ўй-хаёлим калтароқ.

Чўғ экан меҳринг олови,
Англамабманми эртароқ,
Панангда ўтди қиз куним,
Ота-сояли бойтерақ.

Меҳринг тушганда кўзингдан,
Қуёшдай азиз кўрганман,
Отажон, айтган сўзингдан,
Ўт бўлиб ёниб юрганман.

«Манглайга битган нур кизим,
Юраги тоза, ҳур қизим,
Арпа ичинда бўғдойим, –
Яркираб ёнгай юлдузинг».

«Девпарим» десанг эркалаб,
Югуриб чикдим олдинга.
Қапталлашиб, интилиб,
Қоп қўллашдим ёнингда.

Чивиқ отни минганда,
Қувондинг олтин топгандай,
Сен окбуз олиб берганда,
Қуондай учиб чопганман.

Ғайрат олдим ўзингдан,
Англадим барин жон-тондан.
Кўрганман нурли юзингда,
Шуълани, тоза тонглардан.

Жўяли сўзлар тузилди,
Йўл топдим асл сўзингдан,
Мардонавор ўсувни,
Ўргандим, отам, ўзингдан.



ШОҲ-ОМОН

Дунёга келади яхши ва ёмон,
Бахтлидир ўз номин қолдирган инсон.
Саъдий Шерозий

Шоҳ-омон деб овул қандоқ аталган?
Қизик афсона бор халқи ёд олган...
...Бир йигит бўлганмиш ўзган қатордан,
Кўз олдимда эласлади Шоҳ-омон!

Мардоналик билан кўтариб тоғни,
Душманни, очликни изига қувган,
Қорақалпоқдан чиққан ул Робин Гудни,
Халқ ёдлаб, номини Шоҳомон қўйган!

Ёшлиқдан Омон деб суйган халойиқ,
Сўнгидан «Шоҳ» сўзин қўшган у лойиқ,
Замон тошиб окса – сузган шу қайиқ-
Халқи билан бирга бўлган – Шоҳомон!

Элни қадрлаган шоҳлар бор экан,
Омон халқ ишига дастёр бўлган,
Садок тортса – ёвлар дод-у оҳ урган,
Юракли, чакмоқдай йигит – Шоҳомон!

Оч халқларни асраган у ов билан,
Кеки қайнаб, ола қараб хон билан,
Ори эгиз кўкрагида жон билан,
Олов қалбли йигит бўлган Шоҳомон.

Ошиқ бўлди қизга – Ойжамол отли,
У кизнинг ҳам эди юраги дардли,
Умидвор ошиқлар кун-кундан ортди,
Кўнгил кетган йигит эди Шоҳомон!

Ота бокмай кизининг кўз ёшига,
Бермоқ бўлди бойларнинг энг бошига,
Санаб танга олди ҳар тол сочига...
Қизни олиб қочди шунда Шоҳомон!

«Олиб қочиш» шундан одат, йўл бўлган,
Қўли калта ошиқларга қўл келган,
Паноҳ излаганга хайрли ном бўлган,
Ожизларга қўрғон бўлган Шоҳомон.

Қапталинда – қирқ йигити сайланган,
Қирқ хужрага бой хазина тўплаган,
Эллар-юртлар ҳайбатидан қўрққандай,
Тахтга минмай шоҳ бўлган у Шоҳомон!

Қаҳрланса чакмоқ чакқан ел бўлиб,
Шундайларни ардоқлаган эл билиб,
Суянч бўлиб атрофига эл кўниб,
Бор-бор овул бўлган Шоҳомон...



БЕГУБОР БОЛАЛИК – ПОДШОЛИК ЭКАН

Териб едик Қоқлиқумдан кўсикни,
О, не қувонч! Ковул-коврак пишибди,
Яшил зумрад – адрасмон ҳам ўсибди,
Қизлар мунчок тизиб чикқан эл экан.

«Уй-уй» уйнаб қатнашардик ён-ёқлаб,
Отқулоқдан чой қилардик унтоқлаб,
Қўғирчокни «бупа» қилдик кундоқлаб,
Фаришталар кўллаб турган чоғ экан.

Шундай қизик ўйин эди – «Қочарман»
Довни олиб, орани тез очарман,
Жоннинг омон қолар тез очарман,
Беғубор болалик – подшолик экан.

Бир каромат тайин эди чопарга,
Ғула-гулик ёқар эдики товонга,
Сўнг чопардик баҳс бойлашиб шамолга,
Ёпирим, дулдулдан яралганмидик?

«Оксуяк»жа қулай тепалик, сой бет,
«Бор нарига, хув узокка ўйнаб кет».
Деб сирли ўйинга бизни қўшмай кўп
Опалари пул бериб, алдаган экан.

Ободёп бўйида талай тайғаниб,
Ўйнар эдик қизлар билан «қирқалок»,
«Итсузиш»да сузар эдик чалқалаб,
Намунча балқдан таралганмидик?

«Гулаш-хув...» –деб онам мени чақирар,
«Сувпарилар ютгур!»-дея бақирар,
Ийиноғочим, челагим йўқ, не қилай?..-
Мохов, бир жувормаг яширган экан.

Бошимга кўтариб ўрпонг-чангларни,
Чопардим, от килиб тол-чивиқларни,
Йикдим «Қизполвон» бўп талай ёвларни,
Болалик – рух берган булоғим экан.

Қирғий бўлиб, болалар кунин бермадим,
Гулойим бўп тирикла-ёқ ерладим,
Сўнг уларга «юр!» деб кўлим сермадим,
Шўхлигим – бир ўжар давроним экан.

Ҳозир ўйлаб изимга кўз югуртсам,
Саф тортишар манзаралар дамодам,
Бир қайтардим шул даврга сизни ҳам,
Беғубор болалик – подшолик экан!

Кусик, ковул, коврак – дашт ўсимликлари.
Унтоқлаб – ундай майдалаб, эзиш.
Қочармон, ётармон – болалар ўйин номлари ва унда
ишлатиладиган сўзлар,
Ғула-гулик – ер тагида, тупроқда яшайдиган ҳашорат.
Иримга кўра уни товонига ёққан бола чопогон бўлар эмиш
Ободёп – анҳор номи.
Сувда ўйналадиган ўйин.
Сузиш усулларидан бирининг номи.

КИРГА КАНТАРИЛГАН ҚАЙИК

Кўнгил ўсарди-я тошқин ойдинда!
 Ёшлик саройида подшо – ҳар одам.
 Қирга кантарилган қайик ёнида,
 Шул олтин даврларин эслайди отам.

Кўзига ишонмай қарайди ўзи,
 Кўзга куюк бўлиб ётибди қайик.
 «Денгизни ер ютди...» – деган не ўзи?
 Ненинг касофати? Кимда асли айб?

Ипак елкан тортқилайди кемани,
 Бугун бу бир ўтрик – ёддан тўқилган,
 Тоғдай тўлқин аро суздим дегани –
 Эртақ каби, қай китобда ўқилган.

Сув йиғилиб, доғда қолди бояғи,
 Эсласа, бағирлари қамалар тузга,
 Бориб тиралади ўйнинг оёғи,
 Ола кўзли, қизил енгсизли қизга.

Йигит эди мотор қайик ҳайдаган,
 Бахти порлаб, оёқ – изи ярашиб,
 Оила қолди, иши битди ўйлаган,
 Қувониш овул – аймоқ қарашиб.

Ўғил кўрди, ҳайдаридан ел эсган,
 Қизли бўлди, дийдоридан гул ўсган.
 Меҳр нурун тенгдай тўқди онаси,
 Туйнак-таъмли, палак-аччик... – демасдан.

Ёзда яйраб яшар даштни боғ қилиб.
 Оккуш, ўрдак, ғознинг неча-нечаси.
 Сувлар тошқин, ҳеч кўрмади торикиб,
 Бакра, лакка балиқнинг бош кесмаси...

Из қолдирди йўрға йиллар тизмағи,
 Бадар кетди, ички сирин айтмади,
 Қайтган турналар ўхшаб куздаги,
 Минг қўл силкиб чақирсаям қайтмади.

...Соҳилда «Ойдинлар» айтган қора қиз,
 Айланди ақилли, доно кампирга,
 Қуюн, совук шамол турса чорасиз,
 Қимтийди қулунин иссиқ жемпирга.

Бобом қантарилган қайик қошида,
 Вақтнинг дарёсида қалқиб сузади,
 Оқ елкан ҳилпираб унинг тушида,
 Умид қайиғида маржон тизади...



ҲАВАС ҚИЛСИН КЕЛИН ТУШИРМАГАНЛАР

Тугакўрманг, муқаддасдир қалдирғоч,
Меҳр берсанг, у ҳам сенга эгар бош,
Шундай кушни киз болага менгзатар,
Доноларнинг асл сўзи шунга мос.

Келин келди, кадам босди уйингга,
Фаришта ул, қабул айла суюна.
Сскин ўргат, ҳаёт – қуроқли гилам,
Бари тезда келмас жўйи-жўйига.

Яхши десанг, яхши бўлар бари-да,
Тузай билсанг, гул очади барги-да,
Жой-жойига қўя билсанг-ярашар,
Нақши-нақшга, гули тушар гулига.

Сизга келди ташлаб ота-онасин,
Эшигингга энишгунча қарашинг,
Суяб юбор, нақ ўзингдай онанинг,
Кафтга олиб ардоқлаган боласин.

Келин – изинг, сен-чи, ўзинг йўлдасан,
Оққан юкинг суяб, қопинг қўлласин,
У ҳам эртанг гупчаклайди болангнинг,
Ғадир-будур йўлда қолган арвасин.

Аслини бил ажратмай дон-сомонга,
Хизматин кўр, чақирма тез ёмонга,
«Палак-аччик, тўйнак-ширин» дема сен,
Қаратиб ол барин ўзинг томонга.

«Келин олган қолар, дейди, қафасда»,
Олмаганлар юрар эмиш ҳавасда.
Қафас чиркин ўзи барбод бўлади,
Кулса бир кун бешигингда нораства.

Онасидай бўла олсанг топиб тил,
Аланглайди келин йўлин пойлаб бил,
Сен – қуёш бўл, кунгабоқар бўлар у,
Ҳавас қилсин келин туширмаган эл!



СИРЛАШУВ

– Қизинг кетмиш...Бахтли бўлсин, илойим.
Оқ ювиб, оқ тараб боккан хур, ойинг.
Юзинг нега сўлгин тортиб турибди?
Гул юзингнинг очиб ўтир чиройин...

– Қизим эрка эди, топишарми тил?
Жонга ботар хаёлларим зилдан зил,
Кудалар томонидан гап келмасмикан?
Шуни ўйлаб кеча-кундуз ғаш кўнгил.

Кудаларга не дер? Қандок тил қатор?
Шуни ўйлаб тонгим уйқусиз отар...
Болагинам йиғлаб қайтиб келса-я?
Тошдай бўлиб шу ҳол бағримга ботар.

– Чангғарок муқаддас кадр билганга,
Аллоҳ ёрди кўнгли тоза бўлганга,
Карвон йўлида, Бибифотма ёр бўлар.
Оқиб кетма, итлар хурса, хурганга.

Сийлайверсин асқар тоғдай отасин,
Оғаларин, бекачаларин, опасин,
«Бор товоғим, кел товоғим», деганлар,
Яхши келин кўрсатмас уй жафосин.

Қизинг эрка ўсган бўлса, куюнма,
Топар умр ҳикматин ўз уйинда,
Дерлар: карвон юра-кела тузалар,
Сен ҳам туғилмагансан шу куйингда.

Қизингга айт, кўнглин топсин онанинг,
Турмуш юкин отрган улкан кеманинг,
Баракат – бор иззат-хурмат, сайловда,
Кўнгиллар тўк, мой бўлади еганинг.

Ақл айтган овсинларин ой билсин,
Куёвини ҳурматласин, бой билсин,
Куёв сийлаш – халқнинг қадим дастури,
От туёғин босадиган той бўлсин.

Ифор сочар очилган бахт эшиги,
Турмуш-кемас, битмас унинг тешиги,
Берган жойга тошдай ботсин илоё,
Яхши кўкаради эккан кўсаги.

Шунда қуданг ардоқлагай қизингни,
Мақтаб қабул айлар қилган ишини,
Бахт саройининг калти – ўзида,
Бир товласа – ёз қилади қишини.

Обод турмуш ўз-ўзича бўлмади,
Интилганни Яратганим қўллайди,
Бахилларнинг тикканлари кўкармас,
Яхшиларнинг эса гули сўлмайди.

ГУЛОЙИМ БОТИРНИНГ ФАРЁДИ

Шилдир-шилдир сувга тўлса жилғалар,
Мевали боғ яшнаб, кўкка йўрғалар,
Саркопнинг қизиман, тиниқ сувимни,
Чайқатмоқчи Тойча деган баччағар,
Борми экан ёрдам берар оғалар?

Юрган билан тўйган кўзи бичимда,
Хато-нуқсон бўлар баъзи ишимда,
Яхши ернинг, яхши эрнинг ёви кўп,
Урпоқ учун Ватан қолсин изинда,
Гофил қолманг, тўн-белбоғли, оғалар!


Булоқ кўзларида тошлар ётганда,
Қирчиндан қийилган бошлар ётганда,
Дунё ўксинади кўнгил дардимдан,
Ой кўринмай, кун тугилётганда,
Чирқиллаб қолмасин руҳлар, боболар!

Бўйим бор, суянар тоғлар топмадим,
Жим-жима юлдуз кўп, ойлар топмадим.
Она ернинг шўр-тупроғин ювгудай,
Сув топилса, жилға – сойлар топмадим.
Меҳр дарёларин тиланг, оталар.

Хавфсинганда йўлга кўзларин солган,
Оналарим бўлди кўксимга қалқон,
Қирқта қизим – атрофимнинг кўрғони,
Ёмонликлар бўлаверсин тош-талқон,
Қўлланг, номи ўрон бўлган оналар!

Йўғон ингичкарса – йўлин топайин,
Қўлларимни қачи қилиб чопайин,
Суртайчани Қоратовнинг бошида,
Отиб уриб, қурбонликка чалайин,
Қўлланг мени, Анахита момолар!

Томирда қон номус бўлиб таралар,
Чин ботирлар жон берса ҳам жон олар,
Олти қанот ўтов тикиб кўтарар,
Саркоп, Мевали ер бўлгай лолазор,
Қариндошга қалқон бўлинг, оғалар!



Гулойим – халқ достонидаги қаҳрамон қиз.

ТЎХТОВ АЙТИШ

Эринг – пиринг, кўлетмасанг ойдаги,
Иймондан айирар гумон қайдаги.
Гуллар орасидан излагандир-да,
Кетган сирғанг эсга тушиб сойдаги.

«Муддаонг не?-десам, «чўп солди» – дейсан,
«Бир эмас бир нечта, кўп солди», – дейсан.
Боқон солганда ҳам юрибмиз, синглим,
«Юрагим гижлатиб чўқ солди», – дейсан.

Дерлар: «Тузда эмиш бўри озиги»,
Ой кўринмас уйда темирқозиғи,
Ёздириб ол Гўруғлининг Ғиротин,
Тор бўлмасин кенг дунёнинг ёзиғи.

Тиш-тирноқлаб йиғдинг ўғлим-қизим деб,
Нолима ҳеч, хор сезаман ўзим деб,
Уя бузма уй-уй ўйнар боладай,
Етар-етмас айтар изинг-сизинг деб.

Боланг йиғлаб: «Отам қайда?» – демасин,
Ота нолиб: Бўтам қайда? – демасин,
Тинч ўтиргил чалобингни чайқамай,
Умр – дарё, ким ағдарар кемасин?
Орланма, орлантир, мардона аёл!

Ҳа дегунча ўғил-қиз эр етади,
Тул бўлганинг қовурғангни сўтади,
«Ота-кўрган ўқ йўнар» деган гап бор,
Чеча донғи билан қизлар кетади,-
Ор учун ора тур, арвона аёл!

Оқил бўлсанг – айтганимни уқиб ол,
Ипин тортиб, бигизингни суқиб ол,
Қочдигулнинг ишларига ит қамаб,
Қумайқушдай баланд тоққа чиқиб ол,
Ҳаётга бир келдинг, билиб ол, аёл!

Карвон тортган манзилига етади,
Йўлдан топган йўлда қолиб кетади,
Йўллар пасту-баланд – барин кўрасан,
Ақл топган охирига етади,
Карвон адашмасин, сарбон бўл, аёл!

Нелар дуч келмайди карвон йўлинда?
Шайтон, шоқол, тулки – ўнгу-сўлингда,
Қоқиб ташла номус учун барини,
Умр – курашдир, енголсанг, бахт – кўлингда,
Давронинг келади, ғайрат қил, аёл!

Қоратеран кўзни ёшга тўлдирма,
Кулимлаган ул-қизинг бор олдингда,
Шайтонга ҳай берсанг – бари қолади,
Такдиринг кўлингда, асло тортинма,
Қизғанма, қизғантир, ойдона аёл!

Оёғи бор экан одам «юради»,
Карвон кўчар, итлар хураверади,
Мунги бор бўлади тўман этакнинг,
Нега, жонинг сизлаб, дардинг буради?
Номардни мард енгар, мардона аёл!

Тангрим эркакларни яратган бийик,
Йўқса нима азоб, нима бу куйик?

«Кечир, жоним!» деса, баҳор келгандай,
Тушунаман барин, кетаринг ийиб,
Кенг бўлган кам бўлмас, кайвони аёл!

Тузла кўпчиб кетса ҳасрат доғларинг,
Вақт – эмчидир, яшнар ҳали боғларинг,
Ниҳолларинг эртанг чинор бўлади,
Ўғил-қизинг – орқасуянч тоғларинг,
Вақтнинг устунни бўл, дурдона аёл!



БАҲОРДА ҚАЙТГАН ҚУШЛАР

Жоним ётсирайди кузги салқинни,
Бир ғалати туйғу қисар халқумни,
Баҳордаги қайтган қушлар тизими,
Соғинтирди ёшлигимни тўлқинли...

Толёига кўп нарсалар чизилган,
Ҳаёт дарёсида сузган, эзилган,
Ўзи чопиб, ўзи кетмас изингман,
Эл деганда олға чиққан қизингман.

Умр бозоридан насиб овладим,
Солим сув олгандай бироз жаврадим,
Оёққа турғизиб укаларимни,
Совуқ дамни энди сиртга солганим.

Фарзандларим-о, кўнглимнинг тўқлиги,
Ҳам ярашар неваралар шўхлиги,
Эрим-пирим, олдимдаги ҳайбатим,
Сал кечикса билинади йўқлигим.

Нокаслардан баъзан озор чекаман,
Сиртга сир олдирмай, жонни эзаман,
Излаб топсам яхшиликдир уруғин,
Ерга эмас, қалбингизга сепаман.

Боғи сира кўкармайди бахилнинг,
Унинг жони ёмонликка яқин дим,
Барибир ҳам халқ деганинг тарози,
Қулоғига ёқмас бекор тақиллинг.



Умр тинмай думаланар тўп экан,
 Болаликда қайғу-ғаминг йўқ экан,
 Умр давронинг тўрт фаслга бўлганда,
 Ёшлик – ёзинг-ғижлаб турган чўғ экан.

Умр гўзал, ошиқлардай суяман,
 Нуқсон топсам йўниб, эзиб, туяман,
 У ҳам арғумокдай тинмай чопади,
 Бирин айтиб, бирин айтмай куяман...

Жоним ётсирайди кузгу салқинни,
 Бир ғалати ҳислар қисар халқумни,
 Баҳордаги қайтаётган қушлар, ҳей,
 Соғинтирди ёшлигимни тўлқинли!

ОНА ЕР

Ватан – учов бошим, ифор эшигим,
 Турон – ота юртим, олтин бешигим,
 Тузли тупроғингга қоришган қоним,
 Жусон – ифор ҳидли, тотли кўсигинг,
 Чирмаб турган меҳригиёнг, Она Ер!

Қиз эдим мен ўғил бола қиликли,
 Тентакликни кўйдим кўриб улуғни,
 Чимолини инловига юборию,
 Товонимга ёқиб ғаллиғуликни,
 Бағрингда мен дубурладим, Она Ер!

Сен туфайли сахийлигим, кел-кетим,
 Менгзатаман сенга онам келбатин,
 Қоним билан орим сенга қоришган,
 Худди сендай жонга яқин ер бетин,
 Минг чарх уриб тополмасман Она Ер!

Жоним сизди сенда ота меҳрини,
 Юзингдаги порлоқ қуёш нурини,
 Чириб-тўзиб қолган қора уйимнинг,
 Давр шамоллари очди тўрини,
 Эркинликда нафас олдим, Она Ер!

Отам бўз ёшликнинг йўрғасин суриб,
 Онам хизмат қилган енгларин туриб,
 Бир фурсатда чойкуш олиб кетгандай,
 Довуччасин оғизга солганда уриб,
 Таъм тотмай кетганин кўрдинг, Она Ер!

Сиртим бутун, ичдан тўлиб-тошмадим,
Шубҳа-гумон йўлни сира босмадим,
Йўлларида савил қолган армоннинг,
Чала қолган сочбоғларин ушладим,
Барига куч-қувват берган Она Ер!

Ўзга юртда тонгим отмас тун бўлиб,
Уним чиқмас кизил тилим гунг бўлиб,
Олов олиб томирдаги қонимдан,
Тебранамаман қирғоқдаги гул бўлиб,
Чўғдай ёниб очиламан, Она Ер!

Елкамдадир бу ҳаётнинг карвони,
Насиб этгай обод турмуш даврони,
Эркинлик қўмсаган боболаримнинг,
Тизза букмас шарға бўйли армони,
Ҳумо қушдай қанот ёйди, она Ер!

Онамдайсан жону дилдан кучаман,
Йироқ кетсам, сенга интилиб учаман,
Ғайра-ғайра босиб юрсам тик оёқ,
Илҳом олиб, подшо каби жўшаман,
Икковимиз бир тан жон, Она Ер!

Жусон—чўл ўсимлиги.
Кўсик—чўл ўсимлиги.
Ғалиғулик—шилимшиқ ҳашорат. Уни инидан чиқариб
олиб, оёқ тагига суртса, бола чопоғон бўлади, деган ирим бор.
Чойкуш—куш номи.

Шарға—калта, ўсмасдан қолган.

ИЛОҲИЙ НУР

Меҳр-шафқат нурлари сендан тарайди,
Шоҳлар ҳам юкуниб сенга боради,
«Сочи узун...» дейишлари-бекор гап,
Аслан, ҳамма ақли сендан олади,
Ҳаётнинг файзисан, муқаддас аёл.

Аёл – инобатли, кутлуғ, хаёли,
Қиз-подшога йигитлар бош эгади,
Қуёшга бўйин бурган кунгабоқардай,
Ҳар бирингни Лайли дегим келади,
Мажнунлар дардига малҳамсан, аёл!

Эринг-пиринг, унга умид ортасан,
Қўллашмаса, қопни ўзинг тортасан,
Бир қўлинг от этиб, бирин қамчилаб,
Уйда, тузда югурасан, йўртасан,
Гупчаклашиб кўчни тортасан, аёл.

Қозонга – қоп, чумичга – соп бўласан,
Қирқ жонингни қирқиб, қирчиб-тўласан,
Бутун чиқсанг тегирмоннинг тошидан,
Иқбол-бахтнинг ўртасига кўнасан,
Умринг равшани, мазмуни – аёл.

Ақлингни тан олар эринг – кишининг-да,
Сиртга чиқмарайди, қолар ичингда,
Жонинг ачиб, тилинг турар айланмай,
Сен юрасан тўйган кўзи бичимда,
Бағрига нор чўккан уммонсан, аёл.

Бедардларнинг кўнглида ғам-чери йўк,
Сенинг бағринг доғли, бутун ери йўк,
Ғижлаб ёнган саксовулнинг чўғидай,
Қалбингда ўт, бироқ тутунлари йўк,
Шундаям товусдай товланган аёл.

Жоникқан дўстларинг келар баҳолаб,
Сингил, бекачларни кўйдинг «тақалаб»,
Минг сонли ташвишга тўла дунёда,
Соғинган ўғил-киз келар «она!»лаб,
Барига кераксан, Ватансан, аёл.

Олам сенсиз зимистонга айланар,
Гуллар сенсиз чўлистонга айланар,
Илоҳий нур зоиб пастга тушгандай,
Сен юрган ер гулистонга айланар,
Дунё ярашиғи, гултожи –Аёл!



ТАНИШ МАНЗАРА

Базмларда айтсам «Анор гулларин»,
Ҳазил-хузулга мойил бўлиб юрганим,
«Бояги пайт боғда қолди» десам ҳам,
Ғамларидан жизиллайди юрагим...

Дучлашганда бепарводай ўтарсан,
Севги қамалига бандлаб кетарсан,
Чор тарафга кетган карвон йўлидай,
Орзулар қаноти қийиқ-кўтарсам.

...Армиядан келиб, топдим тенгимни,
Тақдирга тан бердим, турдим энгимни,
Кўнглим ичра сендан ўзга доғ йўқдир,
Шеърлар ёзиб тарқатардим черимни.

Сени севдим ишқ эгаллаб танамни,
Бу дард буткул сийнам бўйлаб таралди,
Шунда тақдир ишларига лол қолдим,
Бир лаҳзада асир этди одамни:

...Ёшликдаги бизлар юрган сўқмоқда,
Жайрон юриш, бир гўзал киз бормоқда,
Гул кўтариб ўғлим чикди олдидан,
Бу манзара – таниш! Ақлим олмоқда!

Юрагимда бедаво дард доғи бор,
Армон бўлиб қолган ишқнинг охи бор,
Уч ухлаб турганда ҳаёлга келмас,
Сезганим: Аллоҳга маъкул жойи бор!

Ойдин кўлга кўш оққув куш ярашиқ,
Эркаланиб турар парин тарашиб,
Иқбол сўқмоғинда шуъла сочилиб,
Кетсин, майли, оёқ-изи ярашиб.

Бу сувратдан кўнглим тошиб-тўлади,
Бахт кушлар келиб шунга кўнади.
Сен келин бўп тушмаган бу бўсаға,-
Қизингга поёндоз!
Шундоқ бўлади!



ТЎРТЛИКЛАР

Беқайғунинг дарди-тўймас томоғи,
Ўйлагани-ўз уйининг товоғи.
Бу – бир қилиқ экан қонига битган,
Қор қилмас турмушнинг берган сабоғи.

Тияксиз бўлса тил-ёмон учганда,
Жудо қилар ақл билан хушдан-да,
Ўзга эмас, тилинг душман ўзингга,
Қўлларингни боғлаб берар душманга.

Нокасинг кўнглида бўлар ҳасад-чох,
Унинг ҳасадидан огоҳ бўл, огоҳ,
Унинг шумлигидан огоҳ бўлмасанг,
Қазган у чоҳларга қулайсан ногоҳ.

Бахил кўра олмас кўлда қувингни,
Ёққан куя гоҳ кетмай, гоҳ ювилди,
Сув бетинда бақа ташлаган ахлат,
Фатос қилар мўлдир-тоза сувингни.

Бахилларнинг кўнгли қора бўлади,
Унга куйсанг, қалбинг яра бўлади,
Тузатаман дея уринмагин ҳеч,
Асл сўзинг сўниб, зоя бўлади.

Гажир одам айтганингга юрмайди,
Сўзингга ҳеч қулоғини турмайди,
Саёзлигин сезсанг суҳбатлашганда,
Қилган пушмонингдан довул хурлайди.

Дустим, тоза бўлса кўнгил осмоннинг,
Шудир-тоза гулга гулни кўшганинг,
Сандикда не бори юзга чиқади,
Чўмичга илинар куйган қасмоғинг.

Дунё – тубсиз кубу, тўлган ери йўк,
Қизиққанга эшиги бор, тўри йўк,
Шоҳ Искандар кенг жаҳонни олганда,
Кафтинда юк қолдиргудай ери йўк.

Дунё – қизиқ, кувсанг – қизил тулкидай,
Ўйсизларга маънили сўз-қулгидай,
Кимга нақл, кимга ақл сўзларинг,
Ақл сўз ақлга кўшилганда-нур, гулдай.

Бахилларнинг боғи пишмай ириган,
Роҳатини ҳеч ким кўрмай чириган,
Ичидаги сиртга писиллаб чиқар,
Юзи чечаклайди кўнгил киридан.

Итлар нега Ойга қараб хуради?-
Ой ёнига чиқолмасин билади,
Итнинг оти-ит-ку, лекин шунда ҳам,
Товши чиқса, ҳамма кулоқ туради.

Бу дунёда кўшнинг ёмон бўлмасин,
Жоонинг сачраб, солинг сувда қолмасин,
Ёмон чиқса-ўт ичинда пахтасан,
Яратганим шу дўзоҳдан сақласин.

Ичган эмас, ялаганлар тутилар,
Кўпинча-ям ҳақ кўнгиллар ютилар,
Шайтонлиги босимлардан олис юр,
Ёмондан машойих қочиб қутилар.

Яхши дўст бор жонинг ёвлаб олади,
Меҳридан юрагинг қониб қолади,
Яхшилардан шафоат кўп азалдан,
Қадр кўрсатган инсон кадрли бўлади.

Эплаёлсанг – яхшилик қил инсонга,
Тузалар-ов меҳр кўрса ёмон-да,
Ёмонликнинг уйи куйсин илоҳим,
Яхшилик ярашар яхши замонга.

Ҳаёт – мактаб, ўй юбориб қарасанг,
Нени эккан бўлсанг – шуни ўрасан.
Ёзинг қайнаб, боғингда гул ўсмайди,
Заҳар берган бўлсанг – заҳар оласан.

Баъзиларнинг кўнгил кўзи кўр бўлар,
Пойлагани – баланд ўрин, тўр бўлар,
Яхшилар бор, шунга шукрим кўп менинг,
Яхшилар-ла аҳли дунё зўр бўлар.

Яхшилар бор – дардинг бўлиб олгандай,
Улар билан ёмонлар ҳам ёлғондай,
Маъюслаган кўнглинг яйраб кетади,
Фалаклардан қуёш назар солгандай.

Дунё қувиб ҳеч ким пойга олмаган,
Нафсин бузиб, тўғри йўлга солмаган,
Сезганим шу, дунё – қизил тулкидир,
Боши қизик, изин кайғу ялмаган.

Дунё – армон, буни кўпдан биламан,
Сўз асилин қармоғимга иламан,
Айтган ақлнинг кўпчиб кетар баъзида,
Кимга юкса, шунга тайин бераман.

Яхшилардан доим яхши из қолар,
Ўзгаларга ибрат ўғил-қиз қолар,
Ёмонларнинг бир қилиғи ортиқдир,
Яқинлашсанг дилинг тўла муз қолар.

Тушунмадинг тилинг душман эканин,
Оз бўлдими шунча дакки еганинг,
Қийин экан худойим фаҳм бермаса,
Бекор экан «тилим курсин» деганинг.

Яхши бўлмоқ, ёмон бўлмоқ – тилингдан,
Баъзилар бор бир сўзидан илинган,
Икки оғиз сўз кўрсатар кимлигинг,
Шунга дейин билинмайди юзингдан.

Ҳалол жонлар суйса – чиндан суяди,
Оринг-жонинг учун қора кияди,
Ёмоннинг шалтоғи ҳар томон сачрар,
Бириси тегмаса, бири тегади.

Тили тийнқсизга қара, хайронсан,
Таёқ – икки учли, теран ўйлансанг,
Энг биринчи тилдан келар душманлик,
Боғлансанг, бас-юзи куюк вайронсан.

Тухматчига яқин келма, олисла,
Тенгдай кўриб, гапга-сўзга боришма,
Тухматчини худойим ҳам севмайди,
Овлоқроқ юр, тухматига қоришма.

Кўнгли кирлар дўзахда нақд ёнишар,
Яқинлашсанг, қуялари ёпишар,
Маккор шайтон йўл кўрсатиб уларга,
Бир-бири-ла қоронғида топишар.

Яхши билан юрсанг – жонинг ёзилар,
Ҳазилинг ярашса, қандай ҳаззи бор,
Кўнглинг тўлар, дарё бўлиб тошасан,
Букдан куён ушлагандай тозилар!

Қонга битиб туғилади бахиллик,
Ўз-ўзидан бўлмайди бу жаҳллик,
Шайтон билан бахил-жаҳлларни кўр,
Орасида қил ўтмасдай яқинлик!

Ёмонликни сезсам – озор чекаман,
Сиртга сир олдирмай, жонни эзаман,
Излаб топсам яхшиликнинг уруғин,
Ерга эмас, қалбингизга экаман.

Назари паст одам бўлмас таёқдан,
Ўйсизлиги адаштирган сўқмоқдан,
Хувлаб ётар унинг кўнгил сандиғи,
Фойдаси йўқ чўнтагига тикмоқдан.

Дўстлар келса силжийди қиш-тўқсонлар,
Бахтдан порлар кўзлар, кўкда чўлпонлар,
Бир маҳалда балиқ сувга киргандай,
Ҳаётда бошланар онлар.

Яхши дўст бор қувонтирар жонингни,
Қуёшга тутгандай дилу-бағрингни,
Бахил дўст бор-бошдан давлат тойганда,
Оқизиб юборар сувга солингни.



ҚОРАМИҚ КЎЗЛИ ҚИЗ

Кулганда кўзингдан шуъла сочилди,
Жоним ташлаб кетар бўлди лошимни,
Белинга бўралган ипак сочингни,
Эрка шамол бўлиб тарагим келди.

Банда бўлдим бир ғойбона сезимга,
Сехрландим оловланган кезимда,
Жоним қайда, куч колмади ўзимда,
Кўзим кўзларингда, қарагим келди.

Ошиқларнинг азоб экан чеккани,
Буйинг яширсанг ҳам кўнглим чўкмади,
Қадри долинг кўз олдимдан кўчмади,
Йўлларингни талай ўрагим келди.

Қараганда қорамик кўз сузилиб,
Табандай кипригинг турди тизилиб,
«Қийнаманг» деганда юрак узилиб,
Ялиниб кўлингни сўрагим келди.



ТҰМАРИС

(Тарихий достон)

I. ЁВ БОСИБ КЕЛМОҚДА

Массагетлар яшар Окс бўйларинда,
Мол-чорваси яйраб юрар уйларинда,
Тўйқайинда кийик, кулон, овлари бор,
Явшан, пичан, майса тўла сойларинда.

Бу худудни атамишлар Турон ери,
Жаннат дейди уни кўрганларнинг бари,
Ботир, қайсар, марди майдон массагетнинг,
Шудир ота макон, она Ватанлари.

Босиб келди Жануб ёқнинг Кир подшоси,
Кулқилмоқдир массагетни – муддасоси:
«–Ҳап деганда ёвлаб олсак қўни юртни,
Совға бўлар ери, тахти, боғ-боғчаси!»

Тўмарисдир – массагетнинг дур подшоси,
Соҳибжамол – сулувларнинг энг аълоси,
Аёл килиб олсам, эриб кетар эди,
Темирсовут, кўкракда қўш қалқончаси!..»

– Донишманд шоҳ! Олампаноҳ! Сизга таъзим,
Ҳар бир айтган сўзинг гуё тошдек босим!-
Лашкарлари сув пурқди шоҳ қўлтиғига,
Ажал томон шошилтирди «қашқа» бошин!

Орзу-ўйи Турон юртин тўйлаб кетди!
Кўнгил тошиб Оғуз сувин бўйлаб кетти...
Шароб ичса қармоққа тез тушиб қолар.
Ҳаёл суриб кирнинг кўзи ўнаб кетди.

«Саҳройи халқ шундай содда бўлар эмиш,
Анқов қушдай дарров қўлга қўнар эмиш,
Тўрга тушиб бўлгандан сўнг, типирчилаб,
Юввош тортган қўйдай бўлиб қолар эмиш...»

Шоҳнинг кўнгли балиқ каби ўйнаяпти,
«Эга бўлсам олтинга...» – деб ўйляяпти.
Ҳаёл билан массагетни ўраб-матаб,
Юрак тошиб, хонасига сиғмаяпти!

Турон шоҳи дўсти эди тирик пайти,
«Кечаги дўст – бугун душман?!» – деб ким айтди,
Ёвуз Кирга тил қотғудай бирор жон йўк:
«Бугун билсанг-полапонга хурмат шартдир...»

Кир – қон истар, олтин истар, уруш бўлса!
«Мен зўрман!» – деб кеккайибон юриш бўлса!
Сак, массагет – барини қул қилмоқчи у,
От! Қир! Ўлдир! Қани тезроқ қириш бўлса!..



Окс – Амударёнинг қадимий юнонча аталиши.

II. ШАРАФСИЗ ЎЛИМ

Икки кўшин бир-бирига қараб юрди,
Маккор душман кичкина бир хийла курди:
Шароб, гўшт, нон, зиёфатни дастурхонда,
Қолдирди-ю, Кир лашкарин ортга бурди.

Массагетнинг ёш, оқ кўкрак болалари,
Ҳийла, шумлик нима? – билмай ўсган бари,
Ёв қочди деб ўйлади-да ўзин урди,
Дастурхонда ёвдан қолган шароб сари!

Спарганиз – содда йигит табиатан,
Татиб кўрди дастурхонда удан-будан,
Ойдалада шароб тўла мешлар ётар,
Ялаб кўрди, ичиб кўрди – ширин экан!

О, даланинг болалари бор шаробни,
Ичволишди тешиб барча мешни, қопни,
Кайф қилдилар, кўйладилар, йиғладилар,
Қуёш ботиб, тун босганда чор атрофни.

Бас келолмас эди ёв бу болаларга,
Қилич, найза билан келса қаълаларга,
Лочин қушлар емтик бўлди қарғаларга.
Бош айланиб гунгуртлашди чор-атроф.

Шароб ичиб. Бошлар қизиб, кайф ошибди,
Кўшиқ куйлаб кулишибди, додлашибди,
Чўлнинг содда болалари кўз очсалар, –
Қўллар боғлиқ, чор атрофни ёв босибди.

Уйгондилар, тўлгондилар босиб қайғу,
Ўлимдан ҳам баттар бўлган кўргулик-бу,
Бир-бирига қарай олмас, уялишар, –
Кўктангрининг қоқ манглайдан ургани шу!

– Ёв босганда шароб ичиб бўлдикми маст,
Энди бизни бирор кимса оқлаёлмас.
Ханжар санчиб, қирчин қотиб ўлайин мен,
Мендай овсар ўлиб кетса – увол бўлмас!..

Деган эдим отнинг ёлин ўрайин мен,
Элга чопган ёвнинг кучин кўрайин мен,
Кўлга тушган марднинг юзи қора бўлмас,
Ўз кўлимдан ўзим, Она, ўлайин мен.

Массагетлар ҳеч кимга-да кул бўлмайди,
Ботир аёл эрсиз бўлар, тул бўлмайди,
Ўйсизликдан асир тушдим, онажоним,
Бундай фарзанд Тўмарисга ул бўлмайди...».

Кенг далада ола чанғит, маст довуллар,
Лолаларни пайхон қилиб, юлиб-янчар,
Онғсиз турган ёв кўлидан тортиб олиб,
Спарангиз қоқ юракка қилич санчар.

Гўдак ўғлон жонин кўкка топширади,
Икки ёқни энди обдон қасд қилади,
Она қуёш гул ўстирган Турон юртин,
Юрак ютиб ҳийлагар Кир босқилади.

III. ТУМАРИСНИНГ ҒАЗАБИ

Етказдилар Тўмарисга шум хабарни,
Кўздан ёши бир тинмасдан шўрғалади,
«Золим Кирнинг жонин юлиб оламан! – дер,
Тингламаса, қўлларимдан кум қабади!

...Қурбон қилди менинг ёлғиз-ёрқинимни,
Ўкинч билан ўксик босар халқумимни,
Қайтмаса гар кўкбўридай йўлга чиқай,
Кўрсин золим бургут панжам, тақимимни!

Пайхон бўлди лола, явшан чўлимдаги,
Жуфтин излаб инграр қувлар кўлимдаги,
Тул аёллар суягимни сиркиратар,
Эрининг бўш ўрнин сийпаб тўриндаги.

Қайтмаса гар-ёй ўқини ёғдираман,
Отнинг эгар-турманини оғдираман.
Менсинмаса массагетнинг аёлларин,
Қарқиратиб, ўз конига тўйдираман!

Аёлларга темир совут кийдираман,
Отга боғлаб, ёвга ерим суйдираман,
Ёй тортаман, ўқлар қия кетар бўлса,
Ўнг кўкрагим косов билан кўйдираман!

Спарга-н-и-с!.. содда, ёвқир ўғлим менинг,
Ер тишлабсан – ўтда ёнди кўнглим менинг,
Кўкрагимни оловсиз-оқ куйдирдинг –ку,
Типирлатиб тўрга тирик солдинг мени!..

«Эл номуси – эр номуси» деган сўз бор,
Боболардан мерос олдинг номус ва ор,
Ҳийласи йўқ душман, нима, кийикмиди,
Айб ўзимда – ҳийла ўргатмабман зинҳор!

Содда болам, анқовлигинг хор қилибди,
Чиколмасдай олни теран ўр қилибди,
Душман ҳийла кургандир деб ўйламабсан,
Соддалигинг келгиндини зўр қилибди.

Архар бўлиб оқламадинг сутимни сен,
Ит талаган ичим тутунли-мен,
Текин шароб чўлда бекор ётадимми,
Шаробданмас, дарёдан ич ютумни сен.

Битта танга йиғай сабру тўзим энди,
Қора ерга қирар ёлғиз кўзим энди.
Қон ютсам ҳам душман менга кулолмасин,
Эркак бўлиб кийинаман ўзим энди.

Ғазаб отин минган Орол шувиллади:
- *Ёв жонини сиқиб олинг, қувинг! – деди,
Йўлбарс кизим, Тўмарис кизим, букилма ҳеч,
Қайишма ҳеч, тўздай қочсин ёвинг! – деди.

«-Она Қуёш! Қувват бер, эй Кўк Танграм,
Ёвни енгмай босилмайди ўт-ховурим,
Ёвга кўяр қалқанларим куладими?
Ёвнинг кулин осмонларга сиз совуринг!

Ажал-да бу, «кетма!» дедим, қайтмадинг-а,
Банди бўлдинг, бироқ юртни сотмадинг-а,
Уялгандан ханжар санчдинг ўзингга сен,
Халқинг йиғлаб қолди, о, мен додладим-а!

Ким гуноҳкор? Ўкинч босар халқумимни,
Ёв шароби хароб қилди ўз ўғлимни,
Душманингга бир кўрсатмай кетавердинг,
Томирингда тошиб турган тўлқинингни.

Ёвуз қонхўр пайхон қилди чаманимни,
Ҳийла билан юлиб олди жон-танымни,
Кўк Тангрим ва Онам-Қуёш қўллаб турса,
Талатмасман келгиндига Ватанимни!

Энди душман биздан кўрсин, сазолаймиз,
Тўккан томчи қони учун жазолаймиз.
Юрагида ўти борлар, отланинглар,
Турон юртин кузғунлардан тозалаймиз!

Каси бордек гужирайтиб йелкаларин,
Ўт қўяман чувалатиб саллаларин,
Қонга тўймас қонхўр душман қонга тўйсин,
Қонли меска тикажакман каллаларин.

Кўк Тангрим, о қўллаб турсанг мени – етар,
Номус тутиб, тўлғанади танда жигар.
Дардда ёниб, оловланиб, тутаяпман,
Кувват бер, эй, она халқим, мени кўтар!...

III. ҚАҲР АЛАНГАСИ

Дов юракли массагетнинг дур подшоси,
Гўзалларнинг гўзали у, хур, яқтоси!
Кирга айтди: «сувга оқиб кетмагин», –
Кўтарилди қўлда қаҳр рўмолчаси.

Туриб айтди: – Ўтиб ҳалак бўлма! – деди,
Ерим топтаб, кўзинг қонга тўлма! – деди,
Окс сувидан ўзим етиб боражакман,
Ярамас Кир, ҳолдан тойиб қолма! – деди.

Ҳей золим, Кир! Қонни ўзинг кўрганмидинг?
Массагетни енгаман деб келганмидинг?
Юрак ютиб, Тўмарис-ла баҳс қилгудай,
Жазирада кийик билан елганмидинг?

Бунда бобонгларнинг қарзи қолгандими?
Қайтиб олмоқ Кир учун фарз бўлганмиди?
Тинч халқимнинг чайқадинг сен чалобин,
Бу халқдан ким, қачон устун келганмиди?

Номарддир – ким аёл билан сочлашади,
Гоҳо ўқ-ёй, гоҳо қилич ташлашади,
Массагетлар зар тупроқдан зарра бермас,
Ўлсагина бу ер билан хўшлашади!

Окс дарё ғазаб билан тўлқин ошди,
Денгизга сув қуяр ери кўпик сочди,
Деди: – Кирнинг хом калласин менга отинг,
Бошин ютай! Ғазаб кўзди!! Қутим қочди!!!

IV. ЖАНГ БОШЛАНДИ

Киргин жанг! От хориди-тойин урди,
Илон, чаён, калтакесак қоим турди,
Кимирлаган жоннинг бари кул бўлсинми?
Бир зарра кум бермасликка тайин турди.

– Қош қоқимда азон-қазон бўлди дала,
Жон чўчийди: ўт ичида қолди бола,
– Садокни ол! Ўқ уз! Ўт кўй жонинг бўлса,
Анов отлик орқа ёққа ўтди, қара!

Ўт ичида гуррос-гуррос кийик қочди,
Ер бағирлаб илон қарғаб, зоҳар сочди,
Полапонлар чириллашди уяларда,
Ғунча сўлиб, гултожининг кўрки қочди.

Ёвуз ёвни бир қадам ҳам хатламайди,
Она тупроқ, гўзал ерин бўлғатмайди,
Массагетнинг иягида жони турса,
Турон юртин келгиндига топтатмайди.

Қонхўр Кирнинг кўзин қизил ранг қилдилар,
«Менман!» деган полвон ҳолин танг қилдилар,
Ёв лашкари қолиб кетди чанг-тўзонда,
Массагетлар мана шундай жанг қилдилар.

Бундай жангни кўрмаган ёв алвирашди,
Эгни тушиб, жағи синиб, шалвирашди,
Садоқ тутган аёллардан шахди қайтиб,
Кутилмоқнинг йўлин излаб қалтирашди.

Асов дарё тўлқин тепиб оқаётир,
Қўк Тангрининг кўзи чақмоқ чақаётир,
– Бош солинган мешни ташла Оксга! – деб,
Гулдирмомо пўстак, довул қоқаётир!

– Ялмоғиз Кир! Қалбимни қоқ тилдинг бугун,
Хотин қилиб оламан деб кулдинг бугун,
Балиқ бўлиб типирлайсан қўлларимда,
Қорачиғинг қонга ботди, сўлдинг бугун!

Кимирлаган жоннинг бари бош кўтарди,
Кими қилич, кимдир сўйил, тош кўтарди.
Мардлар ўлса, сак-массагет байроғини,
Ерга йиқмай, бола-чақа, ёш кўтарди.

«Ғолиб бўлдим, аммо довул уролмайман,
Ичим-олов, қаддим тиклаб туролмайман,
Қирчин кетган йигитларнинг оналарин,
Кўзларини қандоқ кўрай? Кўролмаймон!...»

Қуёш – онам! Шафақларинг сочавер сен,
Оғуз дарём, Оро томон шошавер сен,
Кир, каллангни қонли меўга солиб кўйдим,
Қонхўр чиркин! Тўйгунингча тотавер сен!

Тоғ томондан шамол тинмай гувиллади,
– Ёвузларга доим шундай ўлим! – деди.
Тўлиб кетди жабру зулим чуқаноғи,
Боскилама, Турон – дунё тўри! – деди.

Босқинчи ёв нажот излаб ортга бурди,
Нажот топмай, ўзи қора ерга кирди,
Йигитлари Тўмариснинг оёғига,
Кир калласин думалатиб отиб урди.

Дала-гузда сен от ёлин ўрганинг йўк,
Массагетдай садоқ тортиб кўрганинг йўк,
Қарғиш олган келгинди Кир! Бошинг – мешда,
Қонхўр эдинг, сен халқ учун ўлганинг йўк.

V. ХОТИМА

Ёвни енгиб, яловларин хилпиратди,
Эшитганнинг юрак-бағрин елжиратди.
Ҳеродотнинг ёзганидай, Тўмарисой,
Номи ҳеч вақт ўчмасдайин мардлик этди.

Бу воқеа бўлган милоддан илгари,
Ёдлаб келар дарё, чўли, сахро – бари,
Гулойимнинг қирқ қизи ҳам, Хумор она,-
Тўмариснинг тумор таққан сингиллари!

Кўрсанг, ҳозир Турон юрти – гул-ободон,
Таги-бир эл, бош чиқарган бир ёқадан,
Ўзбек, қозоқ, туркман, қорақалпоқ бўлиб,
Бир туғишган, юзларидан нур таралган.

Тебранмасдан шамол эсар бетинда,
Ундан ортиқ аёл бўлмас ер бетинда.
Мард Тўмарис – сак массагетнинг подшоси,
Кийик кўзли шу халқларнинг чехрасида.

Халқим қизни қадрлайди қароғинда,
Мард қизларни ибрат қилар достонинда,
Ҳеч ўғлига Кирнинг исмин қўймас ҳеч ким,
Тўмарислар тўлиб ётар Туронимда!

Гулойим – Қорақалпоқ халқ достони «Қирқ қиз»да қизларга
раҳбарлик қилган саркарда.

Хумор она – Қорақалпоқ миллий қаҳрамони Ерназар
олакўзнинг онаси.

ДАВРОНИНГ ҲУР БЎ ЛГАЙ, ДУРДОНА АЁЛ!

Ажрашаман десам, опа эримдан,
Эр-пирим тутдилар нозик жойимдан,
Кетсанг, – деди – уғил-қизим ташлаб кет,
Ота уйинг ортиқ кўрсанг тўримдан.
Эринг – пиринг, У орзуйинг Ойдаги,

Иймондан айирар гумон қайдаги,
Бўрнидадир «Йигитлик шамоли»
Ёшлик пайти эсга тушиб сойдаги...
Пирдан гумон қилма, парвона аёл.

Муддаҳанг не? – десам, «чўп солди» дейсан,
«Бир эмас, бир нечча, кўп солди» дейсан,
Хода солганда ҳам юрибсиз синглим,
«Юрагимга ёмон чўғ солди» дейсан,
Дардимга дард қўшма, дармона аёл.

«Опа кўпдан бери кўнглимдир ярим,
Тенгқурдан кам бўлдим, келади орим,
Кўл бўлғаб, қош қоқса «Сирғабийка»лар,
Боладек кўриндим, тингланмас зорим,
Деб шунча кўйинма, кўйинчак аёл.

Эл-юрт дер, «йўлда кўп бўри озиғи»,
Ой кўринмас уйдаги «темир козиғи»
Юбориб ол «Гуруғлининг ғийратин»,
Тор бўлмасин кенг д унёнинг ё зиғи,
Ҳайрон бўлма унга, ҳайрона аёл.

Мисқоллаб йиққансан уғлим-қизим деб,
Нолинмагин «қалбим вайрон, бузди» деб,

Нолинма ҳеч «дилда заҳар-тузим» деб,
Уя бузма уй-уй уйнар боладек,
«Маҳаллада дув-дув гап бўлдим» деб,
Жонга жабр қилма, жейрона аёл.

Боланг йиглаб, «Отам қани?» демасин,
Ота нолиб, «Бўтам қани?» демасин
Тинч ўтир айранингни чайкамай,
Ярим йўлда ким ағдарган кемасин,
Орланма, орлантир, армона аёл.

Ҳам демасдан фарзандларинг улғаяр,
Ёлғизликдан... дилинг оғрир кун бўлар,
«Ота кўрган ўқ йўнади» деган бор,
Она обруйи билан қиз, келин бўлар,
«Ор учун қора кий» дебдур момолар,

Довулга чидамли қоя бўл аёл.
Ақл бўлсанг, айтганларим уқиб ол,
Жиловин тортиб, «ёлғизим-сен» деб туриб ол,
«Қочдигул»нинг ичларин ит таласин,
Ҳумай қушдек баланд чингга чиқиб ол,
Умрга бир келдинг, жавлона аёл.



МУНДАРИЖА

Ватаним	3
Онажон.....	4
Соғиниш	6
Олисдаги яқиним.....	8
Қорамик кўзлим.....	9
Ғулғула солмагин жонима менинг.....	10
Тунғич фарзанд.....	11
Аёллар.....	12
Умр гузариди.....	14
Дўстим келганида.....	16
Салқин таъсир қилдимикан?	18
Отажоним	20
Кетиб қолиб эди ота-онамиз	22
Озорини ўчиролмадим	26
Қоқлиқум лоласи	27
Кечир, жоним, кечира олсанг.....	29
Тут каби тўкилиб.....	30
Кўнгиш сози.....	31
Кўнгиш	32
Кузги соғинч.....	34
Беҳишдан ўрнингни топасан, аёл!.....	35
Она ер – онам	37
Бахтни кутинг, чарчаманглар, аёллар яна баҳор келди.....	39
Ел учирган жувонлар	40
Турналар қайтганда	42
Сахро мороли	44
Меҳр булоғи	45
Қалдирғоч экан қиз бола	46
Яхши қандай бўлади?.....	48
Не қилиб юрибсиз, болажонларим?!	54
Бепарволар англамас	56
Қорабайирлар	57
Шоир деб атама.....	58
Сўровларим бор, ота	60
Ота-сояли бойтерак.....	62
Шоҳ-омон.....	64
Беғубор болалик – подшолик экан.....	66

Кирга қантарилган кайнк.....	68
Ҳавас қилсин келин туширмаганлар.....	70
Сирлашув.....	72
Гулойим ботирнинг фарёди.....	74
Тўхтов айтиш.....	76
Баҳорда кайтган кушлар.....	79
Она ер.....	81
Илоҳий нур.....	83
Таниш манзара.....	85
Қорамик кўзли киз.....	93
Тўмарис.....	94
II. Шарафсиз ўлим.....	96
II. Тумариснинг ғазаби.....	98
III. Қаҳр алангаси.....	101
IV. Жанг бошланди.....	102
V. Хотима.....	104
Давронинг хур бўлгай дурдона аёл!.....	105





«AVANGARD-BASPA»

ISBN 978-9910-9264-0-2



9789910926402